

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2-4 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 4 июль куни Хонкенди шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Афғонистон Бош вазири ўринбосари вазифасини бажарувчи Мулла Абдул Ғани Бародар, ИХТ бош котиби Асад Мажид Хон ҳамда бошқа қатор давлатлар ва минтақавий ташкилотлар делегациялари раҳбарлари қатнашди.

ИХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдид солаётган хавф-хатарларни қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси можаро ва низоларни дипломатия ва конструктив музокаралар йўли билан ҳал этиш муҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

Шу билан бирга, Фаластин — Исроил зиддиятини адолатли ҳал этмасдан туриб, Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликка эришиб бўлмаслиги таъкидланди.

Ингилиш кун тартибига ўтар экан, Ўзбекистон Президенти қатор долзарб масалаларга эътибор қаратди.

Аввало, ташкилотнинг ўрта ва узоқ мудатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш устувор йўналишларини илгари суриш мақсадида “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концепциясини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди. Хужжатда анъанавий йўналишлар билан бир қаторда инновациялар, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Айниқса, товарлар ва хизматлар савдосини соддалаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, электрон тижоратни ривожлантириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги стратегик масалаларни мухокама қилиш ва Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилиш учун жорий йилда Тошкент шаҳрида савдо вазирларининг учрашувини ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдоси бўйича тезкор ахборот алмашиш ва уларни тўсиқсиз етказиб бериш учун “яшил йўлаklar” тизимини яратиш ташаббусини илгари сурди.

Инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, янада шаффоф ва жозибдор инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида узоқ мудатли “Экоинвест” дастурини қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

— Бу дастурнинг асосий мақсади минтақамиздаги истиқболли лойиҳаларга хусусий инвесторлар, банклар ва халқаро молия институтларини кенг жалб этиш, деб ҳисоблаймиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Хозирги геосиёсий шароитда муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш стратегик устувор вазифадир. Истиқболли Трансфғон йўлагига туташтирилиши мумкин бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси кенг минтақадаги транзит тармоқларини самарали боғлаш имконини бериши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари транспорт-логистика соҳасини рақамлаштириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш мақсадида Рақамли транспорт ва божхона идорасини ташкил этишни тезлаштириш таклифини ҳам илгари сурди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Сизлар билан қадимий Қорабоғ заминида, ноб тарихий ва маданий меросни ўзида мужассам этган кўркам Хонкенди шаҳрида кўришиб турганимиздан беҳад мамнунман.

Бугун ушбу ҳудуд то маънода бунёдкорлик ва тинчлик маконига айланиб бораётгани чин қардош сифатида бизни чексиз қувонтиради.

Айнан шу заминда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг саммитини юксак даражада ташкил этаётгани ва самимий қабул учун Озарбайжон Республикаси Президенти хурматли Илҳом Алиев Жаноби Олийларига чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Тошкентдаги тарихий саммитимиздан кейин Ташкилотнинг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш, янги йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ташкилотимиз доирасида Қозоғистон Республикасининг самарали раислигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, анжуманимизда узоқ танаффусдан сўнг Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси иштирок этаётганидан хурсандимиз. Чунки биз қўшни Афғонистонни Ташкилотимиз маконининг ажралмас бир қисми, кенг кўламли иқтисодий ҳамкорлик ва транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнларининг муҳим иштирокчиси сифатида кўрамыз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли йнгилиш қатнашчилари!

Бугунги саммитимиз бутун дунё ҳамжамияти кескин инқирозни бошидан кечираётган мураккаб бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

Айниқса, аксарият зиддият ва низолар айнан бизнинг Ташкилотимиз маконида содир бўлаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Сўнгги ойларда Жанубий Осиё ва Яқин Шарқда юз берган воқеалар барчамизни чуқур ташвишга солмоқда.

Халқаро ҳуқуқ ва глобал хавфсизлик институтларининг таназули мулоқот ва ҳамкорликни янада заифлаштириб, куч ишлатиш ва зўравонликка кенг йўл очмоқда. Хусусан, Ташкилотимиз аъзоси бўлган Эрон Ислом Республикасига нисбатан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар бутун минтақани уруш гирдобига тортиш, кенг миқёсдаги экологик ҳалокат ўчоғининг вужудга келиш хавфини тугдирди.

Эрон ва Исроил ўртасида ўт очишни тўхтатиш бўйича эришилган келишувни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу қарорни минтақадаги кескинликни юмшатиш, хавфсизликни тиклаш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолаймиз.

Бу келишув барча муаммоларни дипломатик ва конструктив музокаралар йўли билан ҳал этиш учун мустаҳкам замин яратишига ишонамиз.

Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ва уларни ишлатишдан тийилиш халқаро хавфсизлигининг энг долзарб масаласи эканини инобатга олиб, дунё ҳамжамиятини

яна бир бор ядро қуролидан холи ҳудудлар географиясини кенгайтиришга чақирамиз.

Таъкидлаш жоизки, Фаластин — Исроил зиддиятини адолатли ҳал этмасдан туриб, Яқин Шарқдаги тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин эмас.

Биз Ғазо секторида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, очлик ва ғайринисоний шароитдан азоб чекаётган аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатишга ҳеч қандай тўсиқ қўймаслик, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларига мувофиқ мустақил Фаластин давлатини ташкил этиш тарафдоримиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Ҳар қандай тинчлик ва тараққиётнинг асоси, энг аввало, иқтисодий ҳамкорлик билан белгиланади. Шу боис, Ташкилотимиз доирасидаги шериклик бугунги кунда нафакат табиий, балки муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Ингилишимиз кун тартибидан келиб чиқиб, бир қатор масалаларга эътиборингизни қаратмоқчи эдим.

Энг аввало, биз Ташкилотимизнинг ўрта ва узоқ даврдаги устувор ривожланиш йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Бу борада “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концепциясини қабул қилишимиз зарур. Хужжатда савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, экология, туризм ва таълим каби анъанавий йўналишлар билан бирга, инновациялар, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ташкилотимиз доирасида товар ва хизматлар савдосини соддалаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, электрон савдони ривожлантириш масалалари айниқса долзарбдир.

Шунга эътиборингизни қаратмоқчиман: ҳозирги кунда ўзаро савдо ҳажми паст даражада қолмоқда. Бу кўрсаткич 2024 йилда 95 миллиард долларни ташкил этиб, давлатларимиз умумий савдо айланмасининг 10 фонзини ташкил этди.

Мазкур йўналишда стратегик масалаларни муҳокама қилиш, Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни келишиш мақсадида жорий йил Тошкентда савдо вазирларимизнинг учрашувини ўтказиш таклифини илгари сурамиз.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдоси бўйича тезкор маълумот алмашиш ва тўсиқсиз етказишга қаратилган “яшил йўлаklar” тизимини яратиш долзарбдир.

Сармоявий ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқиш, инвестиция муҳитини янада шаффоф ва жозибдор қилиш мақсадида узоқ мудатли “Экоинвест” дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз. Бу дастурнинг асосий мақсади минтақамиздаги истиқболли лойиҳаларга хусусий инвесторлар, банклар ва халқаро молия институтларини кенг жалб этиш, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир устувор йўналиш. Сўнгги вақтдаги геосиёсий воқеалар халқаро логистика занжирларининг узилиш хавфи нақадар

юқорилиги ҳамда муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш стратегик аҳамиятга эга эканини яна бир бор исботлади.

Утган йили Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини амалга оширишни бошлаганимиз муҳим воқеа бўлди. Келгусида ушбу магистрал тармоқ Трансфғон йўлаги билан тутшиб, кенг минтақамиздаги транзит тармоқларини самарали бирлаштириш имконини беради.

Транспорт ва логистика соҳасини рақамлаштириш ишларини тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида Рақамли транспорт ва божхона идорасини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни амалда тағбиқ этиш вақти келди деб ҳисоблаймиз ва экспертлар даражасидаги музокараларни жадаллаштириш тарафдоримиз.

Минтақада янги авиақатновлар йўналишларини очиш, авиакомпаниялар ўртасида инновацион ҳамкорлик шаклларини йўлга қўйиш, туризм ва авиация соҳалари ўртасида маркетинг бўйича интеграциялашган стратегияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир. Ушбу масалаларни муҳокама қилиш мақсадида Миллий авиакомпаниялар форумини Самарқандда ташкил этишни таклиф қиламиз.

Истиқболда туризм соҳасида сайёҳлар оқимини икки баробар ошириш учун етарли салоҳиятга эгамиз. Ташкилот доирасида туризм хизматларини кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш аини шу эзгу мақсадимизга хизмат қилади.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Глобал иқлим кун тартибига киритилган масалалар юзасидан давлатларимизнинг интилиш ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимдир. Боку шаҳрида муваффақиятли ўтган COP-29 глобал иқлим саммитида қабул қилинган мажбурийатлар ва келишувлар тўлиқ амалга оширилишининг қатъий тарафдоримиз.

Ташкилот доирасида чўл ҳудудларида ўрмонлар ташкил қилиш, рекреация зоналарини барпо этиш бўйича Трансгравий “яшил дастури”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Ташкилотимиз фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган Юқори даражадаги кўмитанинг ишини ижобий баҳолаймиз. Кўмитага келгуси саммитга қадар Ташкилот фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини топишсак, ўйлайманки, ушбу фикримни маъқуллайсизлар.

Бундай ишлохотлар ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқиш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада ошириш ҳамда унинг фаолиятини замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ишонаман, бугунги саммитимиз кўп қиррали ва амалий ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтариш борасидаги катта ният ва режаларимизга муносиб туртки бағишлайди. Эътиборингиз учун раҳмат!



Сирожиддин САЙИДИ,
Ўзбекистон халқ шоири



Сурур ва ғурур



бедор олампаноҳлари —
Жон чекарлар бўлсин дебон
боғу бўстон, боғу бўстон,
Ота макон, она макон —
Ўзбекистон — Озарбайжон,
Озарбайжон — Ўзбекистон.

Айтсам агар — оламжахон,
Олгайдир бир нолам жахон.
Кўлимдаги қалам — жахон,
Менинг икки болам — жахон.
Бири — жон, бири — жонажон:
Ўзбекистон — Озарбайжон,
Озарбайжон — Ўзбекистон.

Низомийдан низом олган
Навоийдек даҳоларим,
Ер юзига наво берган
мангу назму наволарим.
Куйга тўлган ҳаволарим,
Еру осмон, еру осмон —

Ўзбекистон — Озарбайжон,
Озарбайжон — Ўзбекистон.

Ўтган ҳамма ишдан воқиф
Мулла Панох Воқиф дерлар,
Огаҳийдан огоҳ эл ҳам
Огаҳийга боқиб дерлар:
Ҳар қадрлон, хар хонадон —
Фузулийхон, Қодирийхон,
Ўзбекистон — Озарбайжон,
Озарбайжон — Ўзбекистон.

Турна кўзли булоқлардан!
сувлар ичиб келганларим,
Қондош десам, жондошим деб,
жондан кечиб келганларим.
Бир жисму жон, бир жисму жон,
қадрият ҳам илму ирфон —

Курбонларинг — ер остида,
кўрғонларинг — устиндадир.
Ҳали канча ранжу алам
дунёни кам-кўстиндадир.
Халку Ватан, халку Ватан
ўғлонларинг кўксиндадир.
Шахидларга шонли макон,
шонли макон, шонли макон —
Ўзбекистон — Озарбайжон,
Озарбайжон — Ўзбекистон.

Бугун сенга қадалмишдир
бутун олам нигоҳлари.
Икки буюк элнинг икки

¹ Самад Вурғун ибораси.

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА МУРОЖААТИ

Азиз ва қадрли ёшлар!

Сизлар кўзимизнинг оқу қораси, авлодларимиз давомчиси, янги Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги ва келажагимиз бунёдкорларисиз!

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фонздан ортгинини ёшлар ташкил этишининг ўзиёқ сизларнинг мамлакатимиз ҳаётида нечоғлиқ муҳим ўрин эгаллашингизни аққол намоён этади.

Кейинги йилларда янги Ўзбекистон тараққиётини юксалтириш, Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш жараёнида

сиз — ёшларнинг салоҳиятингизни юзага чиқариш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашингиз, илм-фан, таълим, маданият, спорт, ахборот-технологиялар ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларга эришишингиз йўлида кенг имкониятлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бунинг натижаси, албатта, сизларнинг халқаро майдонлардаги ютуқларингизда намоён бўлмоқда.

➤ Давоми 2-бетда



ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА

Бошланиши 1-бетда

— Минтақада янги авиақатновлар йўналишларини очиш, авиакомпаниялар ўртасида инновацион ҳамкорлик шакллари йўлга қўйиш, туризм ва авиация соҳалари ўртасида маркетинг бўйича интеграциялашган стратегияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Шу масалаларни муҳокама қилиш учун жорий йилда Самарқандда Миллий авиакомпаниялар форумини ўтказиш тақдир қилинди.

Сайёҳлар оқимини икки баробар ошириш учун катта салоҳият борлиги кўрсатиб ўтилди. Ташкилот доирасида туризм хизматларини кенгайтириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилиниши бунга хизмат қилади.

Глобал иқлим кун тартибидagi масалаларда сайёҳ-ҳаракатларни бirlаштириш муҳимлигини қайд этиб, Президентимиз чўл ҳудудларида ўрмонлар ташкил қилиш ва рекреация зоналарини барпо этиш бўйича Трансчеғаравий “яшил дастур” ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси Юқори даражадаги қўмита ишини ижобий баҳолаб, унга келгуси саммитга қадар ИХТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар тайёрлаш вазифасини топшириш-ни тақдир қилди.

— Ислохотлар ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқиш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги

обру-эътибори ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида ушбу саммит Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликка кучли суръат бағишлаши ва янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирди.

Хонкенди шаҳридаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини қабул қилинган “йўл харитаси” асосида янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги мулоқотлар фаол кечаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми, қўшма корхоналар ва тўғридан тўғри авиақатновлар кўпаймоқда. Карачи ва Лаҳорда савдо уйлари ташкил этилган.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги кооперация лойиҳалари ва дастурларини жадаллаштириш, шу жумладан, Трансафгон темир йўли қурилишини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган Ҳукуматларо комиссия йиғилиши ва бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари халқаро

ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи дастури самарали тадбирларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2 июль куни Боку шаҳрида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан музокаралар ўтказди.

Олий давлатларо кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳамда амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш истикболлари кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида ҳамкорлиқнинг турли йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Этақчилар Боку шаҳрида биргаликда “Ўзбекистон” боғига асос солдилар ва Ўзбекистон элчихонасининг янги биносини очдилар, “Sea Breeze” дам олиш маскани фаолияти билан танишдилар.

3 июль куни Ўзбекистон Президенти Озарбайжон Президенти ҳамроҳлигида Хонкенди шаҳридаги қўшма тикунувчилик фабрикаси фаолияти ҳамда Ағдам шаҳридаги “Иморат” тарихий-мёморий мажмуаси билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи якунланди.

ЎЗА

ИТТИФОҚЧИЛИК МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОК БИЛАН УЙЎНЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга амалга оширган давлат ташрифи якунлари ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитидаги иштирокига хориждан нигоҳ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи якунланди, унинг доирасида мамлакатимиз раҳбари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этди.

Бу икки воқеа Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлиги нуктаи назаридан ҳам, интеграцион тузилмалар доирасидаги кўп томонлама

ҳамкорлиқни кенгайтириш жиҳатидан ҳам аҳамиятли бўлди.

Хорижий экспертлар таъкидлашча, Ўзбекистон ва Озарбайжон ташқи

иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантиришда изчил ҳамда прагматик ёндашувни намойиш этиб, бир-бири билан иттифоқчилик муносабатларини

мустаҳкамлашни минтақавий иқтисодий интеграция жараёнида фаол иштирок этиш билан уйғунлаштирмоқда. Бундай ёндашув, айниқса, Марказий Евроосиё мамлакатлари барқарор транспорт-логистика, энергетика ва савдо алоқаларини шакллантиришга интилаётган бугунги ўзарувчан геосиёсий вазият муҳитида жуда долзарбдир.

Дашкин АЛИЕВ,
Жаҳон божхона
ташкилотининг Европа
ҳамда минтақавий
ривожланиш менежери:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги иштироки минтақавий ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга интилаётганини ифодаловчи муҳим воқеа бўлди.

Минтақавий ривожланиш ва халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик нуктаи назаридан ушбу ташриф савдо, транспорт, логистика ва рақамли трансформация каби турли соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар яратди. Бу соҳалар Жаҳон божхона ташкилоти мақсадлари учун, айниқса, савдони осонлаштириш ва божхона бошқаруви модернизация қилиш нуктаи назаридан бевосита аҳамият касб этади.

Олий давлатларо кенгашининг иккинчи йиғилишини ўтказиш, шунингдек, олий даражадаги икки томонлама келишувларни имзолаш минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун туртки бўлиши мумкин. Бундай форматлар трансчеғаравий ҳамкорлик самардорлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратди, бу эса ўсиб бораётган товар айирбошлаш ҳажми ва халқаро транспорт йўналишларини ривожлантириш шароитида, айниқса, муҳимдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хонкендида бўлиб ўтган ИХТ саммитидаги нутқида илгари сурган ташаббуслари алоҳида эътиборга лойиқ. Ташкилот доирасида мувофиқлаштириш ва самардорлиқни оширишга қаратилган тақдирлар минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш учун асос бўлиши мумкин. Жаҳон божхона ташкилотининг мамлакатларни савдо ва божхона ислохотида қўллаб-қувватлаш ваколати нуктаи назаридан, ушбу ташаббуслар ҳам мавжуд ва янги ҳамкорлик дастурлари доирасида муҳокама қилиш учун қизиқиш уйғотади.

марказлари ва агросаноат марказларини барпо этиш каби аниқ инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон тўқимачилик, мева-сабзавот, қурилиш ва металлургия саноати бўйича Озарбайжонда нафақат стратегик ҳамкор, балки янги бозорларга чиқиш йўлини ҳам топмоқда.

Транспорт ва логистика алоқалари ҳам икки томонлама ҳамкорликда алоҳида ўрин тутди. Глобал таъминот занжирларининг ўзгариши шароитида мамлакатлар янги, барқарор йўналишларни қидиряпти. Шу фонда Ўзбекистон “Боку — Тбилиси — Карс” Урта йўлагининг бирдан фойдаланиши фаол илгари сурмоқда ва Олят портида ўз терминалини қуришдан манфаатдор. Бу йўналиш шимолӣ йўналишларга муҳим муқобил бўлиб, экспорт ва транзит учун қисқароқ ва арзонроқ йўналишни тақдир этади. Ушбу йўлакнинг географик устунилиги унинг текис рельефи бўлиб, кўпроқ юкларни камроқ вақт ва арзон нархда ташиш имконини беради.

Айтиш жоизки, ушбу транспорт алоқасига учинчи давлатлар, жумладан, Хитойнинг ҳам қизиқиши

ортиб бормоқда. Хитойдан Европага денгиз орқали юкларни етказиб бериш 35-40 кун, Транс-Сибир йўналиши бўйича эса тахминан 20 кун давом этадиган шароитда Марказий Осиё, Каспий денгизи ва Жанубий Кавказ орқали ўтадиган Евроосиё қуруқлик йўли, айниқса, юқори даромадли ва вақт талаб қиладиган маҳсулотларни етказиб бериш учун муҳим жараёнга айланиши мумкин.

Рақамли ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш шароитида инновациялар, давлат хизматларининг рақамли трансформацияси ва “ақили” қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорликка қизиқиш ортиб бормоқда. Икки мамлакат ёшлари қўшма лойиҳалар ва алмашинувларга жалб этилгани янги авлод ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликка замин яратди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида иттифоқчилик муносабатлари ҳозирги бекорор халқаро вазиятда барқарорлик ва ўсиш омилига айланиб, тез ўзгариб бораётган янги дунё тартибини шакллантиришининг янги тенденцияларини акс эттирмоқда.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йили юртимиз ёшлари “ТОП-500”-талиқ олийоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллагани, бугунги кунда 30 нафар йигит-қиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1500 нафари “ТОП-300”дан жой олган нуфузли университетларда тахсил олаётгани, азиз фарзандларимиз санъат, спорт соҳаларида ҳам катта муваффақиятга эришиб, юртимиз байроғини юксакка кўтараятгани, орангиздан мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган забардаст тадбиркорлар етишиб чиқаётгани, албатта, юртимизда сиз азиз ёшларга яратилаётган шароит ва имкониятларнинг самарасидир.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш бора-сида кейинги йилларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар тўғрисида ўтган йили Париж Олимпиадаси ва Паралимпия йўналири ғолиблари янги Ўзбекистон шарафини юксакка кўтариб, қалбларимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирган бўлса, яқинда яна бир қувончли хабар барча юртдошларимиз қалбига байрам кайфиятини олиб кирди — футбол бўйича миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритди.

Президентимизнинг 30 июнь — Ёшлар кунидеда мамлакатимизнинг бир ғуруҳ азму шижоатли ўғил-қизлари билан учрашуви ҳамда энг фаол ва ташаббускор ёшларни давлат муқофотлари билан тақдирлагани барча юртдошларимиз қатори биз кекса авлод вакилларининг ҳам қалбимизга бир олам ғурур ва ифтихор бахш этди.

Давлатимиз раҳбари: “Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг буюк алломи ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизлар бермоқда. Ишончм қилиб, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз.

Сизлар — янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз”, дея сиз, азиз фарзандларимизга яна бир бор юксак ишонч билдирди.

Қадрли ёшлар! Президентимизнинг ҳар бирингизга билдираётган ишончи, барча соҳаларда сизларни қўллаб-қувватлаётгани, юксак эътибори ва ғамхўрлиги бугунги ютуқларингиз гаровидир. Янги Ўзбекистоннинг муносиб ворислари бўлиб воғга етишингиз ва бахту камолингиз йўлида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, яратилаётган имкониятлар ва кўрсатилаётган ғамхўрлик аввал ҳеч бир даврда бўлмаган.

Бугун биз — кекса авлод вакиллари чин маънода сизларга ҳавас қиламиз. Шундай пайтларда севишли шoirимизнинг “Чўк, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...”, деган сатрлари дилимиздан ўтади. Зеро, биз, истеъдоди тан олинмаган, қобилияти қадрларимиз, ишонч ва умиди сўндирилган авлод вакиллари эдик. Давлатнинг биринчи раҳбари билан учрашиб, унга орзуларимизни айтиш у ёқда турсин, вилоят ёки туман, шаҳар раҳбарларига юзма-юз бўлиш ҳатто бизнинг ота-оналаримиз, ўқитувчи-мураббийларимизга камдан кам ҳоллардагина насиб еттарди.

Бизнинг ўқувчи-мутафаккирларимиз пахта далаларида, оғир меҳнатда ўтган. Ўша давр болалари саломатлигини гаровга қўйиб, самолётда заҳарли дорилар сепилган пайкаллардан пахта теришга мажбур эди. Қанчадан қанча тенгқурулримиз соғлигини бой бериб, ўша йилларнинг оғир меҳнати қурбони бўлганини халитчага қалбимизда қолган жароҳатлар билан эслаймиз.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, сиз — азиз ёшларни янги Ўзбекистон келажакининг бунёдкорлари деб эъзозлаган, болалар ва ёшлар мажбурий меҳнатининг оғир оқибатларини юракдан ҳис этган Президентимиз катта шижоат билан мажбурий меҳнатнинг барча турларига чек қўйди. Сизларнинг салоҳиятингизни юзга чиқариш, ўзингизни намойиш этиб, барча соҳаларда ютуқларга эришингиз учун жуда катта имкониятлар дари бошланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу кунларга эришиб йўлида жон фидо қилган минглаб алломаларимиз, зиёлиларимиз, маърифатпарвар жадид болаларимиз, қатоган қурбони бўлган миллат фидойиларининг хотиралари тикланди. Миллатимиз ойдинларининг она Ватанимизни дунёда энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишдек эзгу орзуларини рўёбга чиқариш энди сизларнинг шарафли бурчингиздир!

Бугунги кунда мамлакатимизда билим олишингиз, касб-ҳунар эгаллаб, бахтли-саодатли яшашингиз учун яратилаётган ҳар бир имконият ортида катта сиёсий ирода, машаққатли меҳнат, жонқуярлик, фидойилик ва сиз, азиз фарзандларимизга чексиз меҳр ва ғамхўрлик борлигини, бу кунларга осон эришилмаганини биз, кекса авлод вакиллари яхши билимиз.

Азиз ўғил-қизларимиз!

Бугун билим ва ютуқлари билан дунёга бўйлашиб турган, она Ватанимиз шарафини юксакка кўтараятган сиздек азму шижоатли ёшлар қаторида, афсуски, ўқиб-ўқилиш йўлига турли номаъқул ишлар билан шўғулланиб, бебаҳо бойлиги — ёшлик даврини бой бераётган ёшларимиз ҳам учраб турибди. Мамлакатимиз маҳаллаларида муаммолар 167 минг нафар ёш, тарбияси оғир ва ҳўқуқбузарлик содир этган 17 минг ўқувчи борлиги барчамизни огоҳликка, атрофимизга янада серграқок назар солишга ундайди.

Албатта, ёшлар тизини ёшлар тушунади, тенгдошларингиз муаммолари ҳақида уларнинг ота-оналари ва мактабдаги устозларингиздан аввалроқ сизлар хабардор бўласиз. Шундай пайтда бефарқ бўлманг. Чунки бугун сизнинг кўз ўнгингизда адашиб, хато қилаётган тенгдошингиз тақдир эртага бир кунни

жамиятнинг энг оғриқли муаммосига айланиши мумкин. Яъни кимнингдир хатоси унинг шахсий муаммоси бўлиб қолмайди, у, албатта, жамиятга ўзининг аянчли оқибатлари билан юзга чиқади. Зийраклик ва огоҳлик билан тенгдошларингизни мудҳиш хатолар қилиш ва балолардан асранг.

Азиз фарзандларимиз! “Тенгдошим ҳаётига бепарқ эмасман”, деган шиорни дилингизга тутиб, атрофингизга зийраклик билан қаранг. Синфдошингиз, мактабдош қўшнингиз бугун қандай машғулотлар билан банд, кимлар билан дўст тутинаятганига, ижтимоий тармоқларга қандай хабарлар жойлаётганига эътибор беринг.

Ўзлари англаб-англамай ижтимоий тармоқларда миллат шаънига путур етказадиган, тарихимиз, қадриятларимизга бепасанд бўлаётган тенгдошларингизни тўғри йўлга бошланг. Интернет ва замонавий технологиялар имкониятлари қанчалик кенг эканини уларга уқтиринг. Хато қилаётганини ўзингиз каби билим олишга, касб-ҳунар эгаллашга интилаётган дўстларингиз сафига қўшиб, уларни ютуқлар сари руҳлантириш фўқаролик бурчингиз эканини унутманг.

Қадрли нурунийлар!

Пирў бадавлат болалар ва бувижонлар! Ўсиб келаётган авлод тарбиясида Президентимизнинг бизларга билдираётган ишончини оқлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб, бу йўлдаги ислохотларни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишда зимамизда катта масъулият борлигини унутмайлик!

Азиз болаларимиз, неваралар ва чевараларимизнинг бахту камоли йўлида энг кўп масъулият сиз ва бизнинг зиммаларимиздир. Чунки бугун айрим ёшлар бошидан кеңираётган сивновларни биз аллақачон енгиб ўтганмиз. Ҳикматга тўла ҳаётий тажрибаларимиз бор.

Оиламизда, маҳалламизда ўсаётган ҳар бир ўғил-қиз биз учун бегона эмас. Бирин неварамиз, бирин шогирдларимизнинг фарзанди, яна бири келажакда фарзандларимиз билан жон-жигардек туташувчи томирларимиздир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамоили асосида қилаётган меҳнатларингиз натижаси касб-корли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини ва қадрини топаётган азиз фарзандларимизнинг “Сизни ота десам майлими, она десам майлими...”, деган сўрловларида ўз ҳаётини фидосини топмоқда. Бу борадаги ишлар самардорлигини янада оширилди. Атрофимиздаги муаммолар ёшлар тақдирига асло бефарқ бўлмайлик.

Болаларимизни мактаб паргасидаёқ “Нуруний соатлари”даги тарбиявий дарсларимиз жараёнида тўлиқ қамраб олайлик. Уларга орзуларига етиши учун йўл-йўриқ кўрсатайлик. Бу йўлдаги иштишини қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирайлик. Чўк, болалар билдирилган ишонч унинг катта муваффақияти калити эканини ҳаққамиз ахши билимиз.

Эл-юртимиз қорига камарбаста, янги Ўзбекистонимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойи авлодни тарбиялашда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилаётган изчил ислохотларга камарбаста бўлайлик!

Азиз ота-оналар!

Жонқуяр устозлар!

Маҳалла фаоллари!

Бугун барчамиз янги Ўзбекистонда эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаш, давлатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги изчил ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида бевосита иштирок этмоқдамиз.

Бу жараёнда, айниқса, билимни, кенг тафаккурли, баркамол ёшларни тарбиялаш, улар ўртасида жиниятчиликнинг олдини олиш, воғга етмаганлар ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини муҳофаза этиш каби муҳим масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида, ватанпарвар шахслар этиб тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда сизу бизга юксак ишонч билдирмоқда.

Бугун барчамизнинг олдимизда ўғил-қизларимизни ватанпарварлик руҳида, билимли, салоҳиятли қилиб тарбиялаш, маҳаллаларда ёшлар ўртасида ҳўқуқбузарликлар ва жиниятчиликнинг олдини олишдек муҳим масала турибди. Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди. Бугун Ўсмирлик палласида, ҳаёт йўли бошида қўзларни жовдариб, йўл тополмай турган болаларга меҳр-эътибор билан қарайлик. Уларнинг хато қилишига, нотўғри йўлга кириб кетишига йўл қўймайлик. Атрофимиздаги болалар ва ёшларнинг тақдирига дахлдор эканимизни унутмайлик!

Дунёда кечаётган нотинчликлар, зиддият ва тўқнашувлар барчамиздан дориларон кунларнинг қадрига етиш, тинчликдагини кўз қорачиқимиздек асрашни тақозо этмоқда. Дунё сиёсий ва мафруравий зиддиятлар таъсирида қалқиб турган шундай пайтда тинчлик-осойишталик ва юртимиздаги тўқин-сончилик энг улуг неъмат эканини ёшларга уқтирайлик.

Маҳалламизда, кўз олдимизда ўсаётган ҳар бир ўғил-қизни дунё илм-фан сирларини пухта эгаллаётган тенгдошларини сафида нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда етук мутахассислар бўлиб улғайиши учун барча имконият ва ресурсларни ишга солайлик. Бу йўлда зиммаларимиздаги улкан масъулият ва жавобгарлиқни ҳис қилиб, она Ватанимиз манфаатлари йўлида янада бирлашайлик.

Фарзандларимизни шундай тарбиялайликки, улар ҳаётдаги ҳар қандай сивов ва қийинчиликларни шижоат ва қатъият билан енгиб ўтиб, Ватанимизга садоқат билан хизмат қиладиган, янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўла оладиган авлод бўлиб улғайсин!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МЕЗОН

2025 йил 5 июль, 137-сон

3

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

Кун мавзуси

Ўзбекистон – Озарбайжон: АГРАР СИЁСАТНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ САККИЗ ЙИЛИ

Сўнгги йилларда Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларида савдо-иқтисодий интеграция фаоллашуви кузатилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, қишлоқ хўжалиги йўналишида салмоқли натижаларга эришилляпти.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазири

2017-2025 йиллар давомида томонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини кўпайтириш, қўшма агрокластерлар барпо этиш, илгор технологиялар жорий қилиш, логистика инфратузилмасини яхшилаш ва илмий тадқиқот соҳасида ҳамкорлик қилиш йўналишларида қатор муҳим ташаббусларни амалга оширди. Юқори даражадаги сиёсий ирода, ҳукуматлараро келишувлар ва иқтисодий форумлар орқали аграр соҳадаги интеграция амалий натижаларни берди: савдо ҳажми бир неча баробар ошди, биргаликда ишлаб чиқариш лойиҳалари йўлга қўйилди, илм-фан ва инновациялар соҳасида стратегик ҳамкорлик шаклланди.

Мазкур мақолада шу давр ичида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, эришилган натижалари ва истиқболдаги режаларни кенг қамровда таҳлил этишга ҳаракат қилинмиз.

2017-2025 йиллар давомида икки давлат ўртасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси мисли қўрилмаган даражада ўсди. Бунга эришиш, бир томондан, икки давлат аграр секторининг иқтисодий салоҳиятига асосланган бўлса, бошқа томондан, ўзаро манфаатли ташқи савдо сиёсати изчил юритилётгани билан боғлиқ.

Статистик маълумотларга кўра, шу йиллар оралиғида икки давлат ўртасидаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ҳажми 5 баробар ошди. БМТнинг UN Comtrade товарлар савдоси статистикаси маълумотларига асосан, 2022 йилда ўзаро савдо ҳажми 40,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса 2021 йилдагига нисбатан деярли 2 баробар кўпдир. Ушбу рақамлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга чиққанини яққол тасдиқлайди.

2022 йил якунларига кўра, мамлакатимизнинг Озарбайжонга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 35,1 миллион долларини ташкил этган бўлиб, экспорт ҳажми бўйича Ўзбекистон етакчи ўрнида турди. Асосий маҳсулотлар таркибида тамаки ва тамаки ўрнини босувчи маҳсулотлар, қуритилган мевалар (майиз), ёнғоқлар (бодом, ер ёнғоқ), оддий лавия, шоколад ва какао маҳсулотлари кирган. Булар, асосан, қайта ишланган ва истеъмолга тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиб, юқори қўшилган қўйиматга эга. Ўз навбатида, Озарбайжондан Ўзбекистонга импорт ҳажми ўша йили 5,7 миллион долларини ташкил этди. Озарбайжоннинг экспорт таркиби асосан, фундук, бодом, ўсимлик ёғлари, шоколад-какао маҳсулотлари, алкогольсиз ичимликлар, чорва учун озуқа маҳсулотлари ҳамда пахта ҳўлидан иборат бўлди. Бу маҳсулотлар, асосан, қайта ишлаш саноатига йўналтирилган ва ўзбек аграр кластерлари учун ҳомашё сифатида хизмат қилади.

Жорий йил бошида эълон қилинган маълумотларга кўра, икки томонлама савдо ҳажми яна 40 фоиз ўсди. Бу тенденция ҳамкорликнинг барқарорлигини, бозордаги эҳтиёж ўсиб бораётганини ва маҳсулотлар рақобатбардорлигини намён этмоқда. Томонлар ўртасидаги бу ўсиш йўналишлари ҳукуматлараро музокаралар, соддалаштирилган божхона тартиблари, экспорт-импорт соҳасидаги логистик имкониятлар яхшилаши ва энг муҳими, ўзаро ишончли сиёсий

иқтисодий муносабатлар туфайли юзага келди.

Ўзбекистон — Озарбайжон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси нафақат иқтисодий кўрсаткичлар ўсишини, балки сифат жиҳатидан ҳам янгиланишини, инновацияларни жорий этишини, маҳсулот етказиб бериш занжирини узлуксизлигини таъминлаётганини кўриш мумкин.

Ортиб бораётган қўлам логистика хизматини ҳам ривожлантирди

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ортиб бориши ўзаро юк ташиш, логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва транзит имкониятларини кенгайтиришга катта туртки берди. Маҳсулотларнинг ўз вақтида, ҳавфсиз ва сифатли етказилиши замонавий логистика тизимларини жорий этишни талаб қилади. Бу борада 2020 йилдан бошлаб транспорт-логистика соҳаси икки томонлама ҳамкорлик кун тартибининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистон — Озарбайжон транспорт алоқалари географик жиҳатдан мураккаб, бироқ стратегик жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлган Транскаспий халқаро транспорт йўлаги (Middle Corridor) орқали амалга оширилмоқда. Ушбу йўлак Ўзбекистон товарларини Озарбайжон орқали Европа бозорларига, шунингдек, Озарбайжон маҳсулотларини Марказий Осиё бозорларига етказиш имконини беради. Бу йўналишда мултимодал транспорт тизими — автомобиль, темирйўл, ҳаво ва дентиз йўллари орқали юк ташиш механизми шаклланди.

2023 йил январь ойда Тошкентдан Бокуга илк маротаба электрон ҳужжатлар асо-



сида мева-сабзавот маҳсулотлари ташиш бўйича синов амалга оширилди. Бу замонавий “рақамли транспорт” ташаббуси икки давлат транспорт тизимлари интеграциялашга нисбатан далолат беради. Айниқса, тез бузилувчи маҳсулотлар (янги мевалар, сабзавотлар) учун тезкор, ҳавфсиз ва оптимallashtirilgan логистика тизими муҳим аҳамиятга эга.

Икки томонлама ҳамкорлик доирасида Боку порти ва унга туташ логистика зоналарида Ўзбекистон маҳсулотларини сақлаш ва транзит қилиш имконини берувчи замонавий омборхона-логистика марказлари ташкил этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, қўшма логистика компанияларини ташкил қилиш, юкларни контейнерларда етказиш, божхона расмийлаштирувини соддалаштириш, рақамли кузатув тизимларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт-импорти самарадорлиги оширилмоқда. Транспорт харажатларини камайтириш ҳамда маҳсулотлар етказилиши вақтини қисқартириш икки томонлама савдони янада рақобатбардор ш қилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида “яшил йўлак” (green corridor) форматидagi божхона назорати тартиблари ишлаб чиқилмоқда. Бу тизим аграр маҳсулотлар учун соддалаштирилган декларация, тезкор лаборатория назорати, “бир дарча” та-



бузилувчан маҳсулотлар (гилос, анор, сабзавот, резаворлар) савдоси учун қулай имконият яратди.

Мазкур тартиблар ҳукуматлараро қўмитанинг 2025 йил июнь ойда Бокуда бўлиб ўтган 14-йигилиши доирасида муҳокама қилиниб, илгор Европа тажрибаларини жорий этиш бўйича келишувга эришилди.

Логистика ҳамкорлигига минтақавий интеграция жараёнининг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бу йўналишда Озарбайжон Каспийбўйи минтақасида, Ўзбекистон эса Марказий Осиё ядро ҳудудида жойлашган бўлиб, икки давлатнинг инфратузилма интеграцияси кенг қўламли Евроосиё бозорларига чиқиш имконини беради. Хусусан, Хитой — Марказий Осиё — Жанубий Кавказ — Туркия йўналиши бўйича “янги ипак йўли” ташаббусларни доирасида аграр-логистик ҳамкорлик алоҳида ўрин тутмоқда.

Умуман олганда, 2017-2025 йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва экспорт қилиш инфратузилмаси



жиддий равишда такомиллаштирилди. Логистика занжирлари рақамлаштирилди, транзит йўлаклари диверсификация қилинди, ҳамкорликка асосланган инфратузилма лойиҳалари бошланган.

Илм-фан ва илгор технология — соҳанинг муҳим йўналишлари

Аграр соҳадаги ҳамкорлик фақатгина савдо ва логистика билан чекланиб қолмай, илм-фан, технология ҳамда аграр таълим йўналишларида ҳам чуқурлашмоқда. Бу интеграция замонавий қишлоқ хўжалиги ривожини учун зарур инновациялар, илгор тажриба алмашинуви ва кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантиришга хизмат қилмоқда. 2017-2025 йиллар давомида икки мамлакат бу соҳада қатор стратегик ҳужжатлар имзолаб, институтлараро алоқаларни йўлга қўйди, қўшма тадқиқотлар бошлади. Жумладан, 2022 йил июль ойда қишлоқ хўжалиги вазирилариининг Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон ва Озарбайжон аграр секторда илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга оид “йўл харитаси” имзоланди. Ушбу ҳужжат қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, сўғурталаш тизимини такомиллаштириш, ипакчилик ва субсидиялар сиёсатида тажриба алмаш-иш каби йўналишларни қамраб олди.

Жорий йил баҳорида эса Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар миллий маркази директори бошчилигидаги делегация Озарбайжонга расмий ташир билан бориб, Сабазавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтини билан Озарбайжоннинг Сабазавотчилик илмий-тадқиқот институтини ўртасида илмий ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу келишув сабазавотчиликда селекция, биологик химоя ва агротехник тажрибалар бўйича илмий алмашинувлар учун ҳуқуқий асос яратди.

Илмий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан бири замонавий рақамли технологиялардан аграр секторга интеграция қилишидир. Ўзбекистон томони Озарбайжоннинг фермерлар учун “Электрон кабинет” тажрибасини ўрганмоқда. Бу тизим фермерларга давлат хизматларидан фойдаланиш, субсидиялар олиш, ҳисоб-китоблар юритиш ва бозор маълумотларига эга бўлиш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳар икки давлат “ақлли” деҳқончилик (смарт фарминг) тамойилларини жорий қилишда ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Ерларни дронлар орқали мониторинг қилиш, GPS асосида уруғ экиш, сунъий интеллект ёрдамида ҳосилдорлик прогнозини тузиш каби йўналишлар бўйича илмий-амалий тажрибалар амалшилломоқда.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро алмашинув дастурлари бор. Масалан, Тошкент давлат аграр университети ва Озарбайжон давлат аграр университети ўртасида тузилган меморандумга мувофиқ, 2023-2025 йилларда икки томонлама талабалар ва докторантлар алмашинуви йўлга қўйилди. Бу ҳамкорлик аграр соҳа бўйича етуқ кадрлар тайёрлаш, илмий мақолалар нашр қилиш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Озарбайжоннинг аграр университетларидан анор, узумчилик, ёнғоқ етиштириш, сув тежовчи технологиялар бўйича лабораториялар фаолияти билан яқиндан танишялмиш. Айни пайтда Тошкентда интенсив бодгорчилик, агрологистика, озиқ-овқат саноатида стандартлаштириш бўйича таҳсил олаётган озарбайжонлик магистрлар сонини ортиб бормоқда.

Аграр инновацияларни тижоратлаштириш, стартап экотизимини ривожлантириш ҳам икки давлат ҳамкорлигида устувор йўналишлардан биридир. “Smart Greenhouse”, “AgroDron”, “Digital Field Management” каби стартаплар Тошкент ва Боку шаҳарларида таълим форумларида қатнаш этилиб, технологиялар трансфер бўйича келишувларга эришилди.

Айниқса, иқлим ўзгаришига мос инновацион технологиялар, биофертилизаторлар (биофитиллар), генетик селекция усуллари, ер ости сўғириш технологиялари каби илмий лойиҳалар доирасида икки томонлама грантлар ажратилиши муҳим аниқликлардан биридир.

Самарали қўшма лойиҳалар

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги аграр соҳадаги ҳамкорликда энг истиқболли доирасида ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон ва Озарбайжон аграр секторда илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга оид “йўл харитаси” имзоланди. Ушбу ҳужжат қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, сўғурталаш тизимини такомиллаштириш, ипакчилик ва субсидиялар сиёсатида тажриба алмаш-иш каби йўналишларни қамраб олди.

Аграр кластерлар бир вақтнинг ўзида етиштириш, қайта ишлаш, логистика ва экспорт босқичларини ягона занжирга бири-лаштирувчи тизим бўлиб, икки давлат аграр стратегиясининг марказий компонентига айланди. 2021 йилда Озарбайжоннинг “Fruits Season Group” компанияси Ўзбекистонда ўз инвестицияси асосида агрокластер лойиҳасини бошлади. Хусусан, Наманган ва Тошкент вилоятларида 10 гектар замонавий иссиқхона ва 100 гектар интенсив боддан иборат кластерлар барпо этиш режалаштирилди. Бу лойиҳаларда томчилаб сўғириш, замонавий совитиш технологиялари, GIS аналитик тизимлар жорий қилинди.

Бухоро вилоятида ташкил этилган агрокластерлар фаолияти Озарбайжондан келган аграр делегациялар эътиборини тортиди. Бу кластерларда анор, олхўри, шафтоли, сабазавот, ёнғоқли мураббо, музлатилган ярым тайёр маҳсулотлар, экологик тоза шарбатлар ишлаб чиқаришмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида кооперация тизимини жорий этишда Озарбайжоннинг илгор тажрибасидан фойдаланмоқда. Натияжада 2023-2024 йилларда Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида пилот лойиҳа сифатида ташкил этилган фермер кооперациялари Озарбайжон модели асосида ишлаб чиқилди. Бу тизим кичик фермер хўжаликларини бириштириш, агротехника хизматларини бир марказда кўрсатиш, қўшма маркетинг ва экспортни ташкил қилишга имкон беради.

Икки давлат ҳудудларида иссиқхоналар, плантациялар ва замонавий қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси доирасида ҳамкорлик кенгаймоқда. Жумладан, Сурхондарё ва Фарғона водийси ҳудудларида Озарбайжон технологиялари асосида “ақлли” иссиқхоналар синов тариқасида қурилди.

Андижон ва Ганжа шаҳарлари ўртасида анор ва фундук плантацияларини ривожлантириш бўйича биргаликдаги илмий-амалий тажриба лойиҳалари бошланган. 2023-2025 йиллар оралиғида Ўзбекистон томони анор селекцияси ва кўчат етиштириш технологиясини Озарбайжонга экспорт қилган бўлса, Озарбайжон томони фундукчилик, виночилик ва бодгорчиликда ўз тажрибасини улашди.

Тошкент ва Боку шаҳарларида ўтказилган тадбиркорлар форумлари давомида турли йўналишлардаги саноат кластерлари, қайта ишлаш цехлари, қадоқлаш линиялари ташкил этиш бўйича қатор қўшма ташаббуслар илгари сурилди.

Рақамли технология — яна бир устувор йўналиш

Замонавий аграр сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида рақамли технологияларни жорий этиш ва инновацион ёндашувлар асосида бошқарувчи такомиллаштириш Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорликда устувор йўналишлардан бири бўлиб қолди. 2017-2025 йилларда икки давлат қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, “ақлли” фермалар барпо этиш, сунъий интеллект ва IoT (Internet of Things) технологияларини амалиётга таъбиқ этиш бўйича муҳим қадамлар ташлади.

Озарбайжон қишлоқ хўжалигида фаол ишлатилаётган “Электрон фермер кабинети” тизими Ўзбекистонда катта қизиқиш уйғотди. Бу платформа фермерларга онлайн режимда давлат хизматларидан фойдаланиш, субсидиялар учун мурожаат қилиш, статистик ҳисоботларни топириш, экинларни режалаштириш ва бозордаги нархлар динамикасини кузатиш имконини беради.

2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон ушбу модел асосида ўзининг “Агрохизмат” платформасини ишлаб чиқишга киришди ва Озарбайжон мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб қилди.

“Ақлли” технологиялар (smart technologies) ва “Internet of Things” технологиялари асосида юритилаётган деҳқончилик икки мамлакатда ҳам тажриба босқичидан бошлаб амалий қўлланилмоқда. Ер намлиги, ҳарорати ва ўғит ҳолатини аниқловчи сенсорлар, сўғириш тизимини автоматик бошқарувчи дастурий қурilmalar, GPS асосида ҳаракатланувчи “ақлли” тракторлар ва техника воситалари, дрондан фойдаланган ҳолда уруғ сеппиш, дезинфекция ва мониторинг қилиш технологиялари шулар сирасидан.

Бу технологиялар, айниқса, сув танқис ҳудудларда ҳосилдорлиқни, меҳнат унумдорлигини ошириш ва экологик барқарорлиқни таъминлашда сезиларли самара бермоқда.

Сунъий интеллект (AI) ёрдами билан ер ресурсларининг рақамли харитасини тузиш, агрокластерлар бўйича ҳосилдорлик прогнозини таҳлил қилиш, ўсимликлар касалликларини аниқлаш ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича моделлар ишлаб чиқилди.

Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган замонавий иссиқхоналар Озарбайжон технологиялари асосида масофадан бошқариладиган иқлим назорати, автоматик ўғитлаш, ёруғлик ва ҳаво айланшинини тартибга солиш каби тизимлар билан жиҳозланди. Бу иссиқхоналар AI ёрдамида маҳсулотлар етилиш суръатини таҳлил қилиб, оптимал ҳосилдорликка эришишга ёрдам бермоқда.

Халқаро стандартларга жавоб берувчи маҳсулот экспорти учун маҳсулот сифатини онлайн тарзда сертификатлаш, рақамли QR-кодлар орқали кузатув тизимини жорий этиш бўйича ҳам ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳамкорликнинг асл асоси

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги аграр ҳамкорлиқни муваффақиятли ривожлантиришда асосий омиллардан бири юқори даражадаги сиёсий ирода, давлат раҳбарларининг ўзаро таширлари, ҳукуматлараро келишувлар ва доимий мулоқот механизмларининг фаол ишлашидир. Шулар асосида икки давлат ўртасида ўнлаб расмий таширлар, форумлар, комиссиялар йиғилиши ташкил этилиб, ҳар бири янги истиқболли йўналишларга йўл очди.

2023 йил август ойда Президентимизнинг ушбу мамлакатга расмий ташири доирасида энергетика, саноат, транспорт-логистика, фармацевтика ва аграр соҳа бўйича қатор стратегик битимлар имзоланди. Айниқса, агросаноат лойиҳалари, ўсимлик ёғи ва пахта кластерлари, мева-сабзавот экспортини кенгайтиришга қаратилган келишувлар эътиборга лойиқ бўлди.

2024 йил август ойда эса Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга жавоб ташири давомида ҳудудлараро иқтисодий интеграция, аграр инфратузилмани модернизация қилиш, қўшма илмий лойиҳалар ва кооперацион кластерлар бўйича янги битимлар имзоланди. Мулоқот давомида Президентлар икки томонлама савдо ҳажминини 1 миллиард долларга етказиш, унинг камида 30-40 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этишини режалаштиришганини билдирган эди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия Ўзбекистон ва Озарбайжон аграр ҳамкорлигини ҳуқуқий ва ташкилий асосда мувофиқлаштирувчи асосий платформалардан биридир. Утган ойда Бокуда ташкил этилган навбатдаги, 14-йиғилишида янги қишлоқ хўжалиги лойиҳалари, илгор технологияларни трансфер қилиш, логистик занжирларни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

2025 йил 20 июнь кунини Тошкентда бўлиб ўтган III Interregional форум ҳам икки томонлама аграр алоқаларни кучайтиришда муҳим босқич бўлди. Форумда давлат идоралари, ҳусукий сектор вакиллари ва халқаро молиявий институтлар иштирокида инвестицион лойиҳалар, кооперацион дастурлар ва саноат-аграр комплексларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Форум якунида Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида Озарбайжон инвестицияси билан қишлоқ хўжалигига оид янги кластер лойиҳалари йўлга қўйилиши эълон қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳам икки давлат кенг миқёсда аграр ҳамкорлик қилмоқда. 2022 йил июлда қишлоқ хўжалиги вазирилари йиғилиши доирасида қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш ва инновацияларни жорий этиш бўйича “йўл харитаси” имзоланди. Бу ҳужжат икки давлат учун умумий стратегик ёндашув асосида ишлаш имконини яратди.

Ўзаро ҳужжатлар ва шартномалар аграр ҳамкорлиқни тизимли тарзда юритиш учун зарур ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Умуман, 2017-2025 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, агросаноат маҳсулотлари экспорт-импорти бўйича келишув, рақамли трансформация ва “ақлли” фермерлик лойиҳалари бўйича ният протоколлари, агрокластерлар ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича шартнома сингари ҳужжатлар имзолангани икки давлат аграр сиёсатини синхронлаштириш, амалий фаолиятда ҳуқуқий зиддиятларни олдини олиш ва узоқ муددатли барқарор ҳамкорликка замин яратди.

2017-2025 йиллар давомида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, аънавий савдо алоқаларидан бошлаб замонавий агрокластерлар, илмий-технологик алмашинувлар, рақамли трансформация ва қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларига бўлган кенг қамровли кооперацион модель шаклланди. Ушбу стратегик шериклик нафақат иқтисодий манфаатлар, балки сиёсий ишонч, ҳудудлараро интеграция ва инновацион ривожланишга асосланган барқарор тизим сифатида намён бўлди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

yuz.uz_news



yuz

Ривожланган давлатлар иқтисодиётида хизматлар соҳаси стратегик тармоқлардан бири сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур соҳа нафақат ялпи ички маҳсулот ҳажмини шакллантиради, балки иш ўринларини яратиш, ташқи савдо баланси ва инвестиция муҳитини яхшилашда муҳим воситадир. Хизматлар сектори иқтисодиётнинг бошқа соҳалари — саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва ҳатто давлат бошқаруви билан узвий боғланган бўлиб, уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаб беради.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ:

Бугунги глобаллашув шароитида рақамли технологиялар, логистика, молиявий хизматлар, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш каби йўналишлар ривожига мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий тафовутни белгилловчи омиллардан бири сифатида қаралмоқда. Жаҳон амалиёти шундан далolat бермоқдаки, юқори даромадли давлатлар ялпи ички маҳсулотининг 60-80 фоизгача қисми айнан хизматлар сектори ҳиссасига тўғри келади. Бу эса айни соҳани нафақат иқтисодий ресурс, балки стратегик устуворлик даражасига олиб чиқади.

Юртимизда рақамли хизматлар, электрон тижорат, банк ва молия технологиялари, туризм, таълим ҳамда транспорт-логистика соҳалари босқичма-босқич модернизация қилиниши ортидан улар иқтисодиётимизнинг асосий драйверларидан бирига айланди.

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мутахассислари 2017-2024 йиллар давомида хизматлар соҳаси ривожини таҳлил қилди. Унга кўра, 2024 йил якунига келиб, хизматлар соҳаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот таркибида 47,4 фоизни ташкил этди. 2020 йилда бу кўрсаткич 41,6 фоиз бўлган.

Хизматлар соҳаси кенгайиши саноат ва қишлоқ ҳўжалигига қараганда камроқ ресурс талаб қилса-да, аҳоли эҳтиёжларига яқин туриши, тез ўзгаришларга мослаша олиши билан фарқланади. Шунинг учун бу тармоқ иқтисодиёт самардорлигини оширишда стратегик аҳамият касб этмоқда.

2017 йилда хизматлар соҳасидаги бандлик даражаси 49,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 55,4 фоизга етди. Бу ўсиш мамлакатда хизматлар сектори томонидан яратилган иш ўринлари сони кўпайганини, шу орқали аҳоли ўртасида ишсизлик даражасини пасайтирадиган механизм сифатида хизмат қилаётганини кўрсатади. Айниқса, ёшлар, аёллар ва хизмат кўрсатишга мойил бўлган касб эгалари учун янги имко-

ниятлар очилмоқда. 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хизматлар кўрсатувчи корхоналар сони 310,8 мингтага етди. Бу 2017 йилдагидан 1,6 баробар кўп.

Бу ўсиш, аввало, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, лицензиялаш ва руҳсат бериш жараёнларини соддалаштириш, электрон хизматлар платформаларини кенг жорий этиш ҳамда аҳолининг шахсий ташаббуси ортиб бораётгани билан боғлиқ. Хизматлар соҳаси ўсиши нафақат ЯИМдаги улуш ва бандликни оширмоқда, балки мамлакат аҳолисининг кундалик ҳаётига яқин бўлган турли йўналишларда сифатли, тезкор ва рақобатбардош ечимларни тақлиф этаётди. Бу тармоқ рақамли технологиялар билан чамбарчас боғлиқ ривожланмоқда ва инновацияларни қабул қилиш қобилияти юқори.

Глобал иқтисодиётда хизматлар соҳаси тобора муҳим ўрин эгаллаши, рақамли технологиялар, молиявий инструментлар ва инсон капиталига инвестициялар соҳа улушини кескин оширди. Ўзбекистон ҳам бу тенденциядан четда қолгани йўқ. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2017-2023 йиллар давомида Ўзбекистонда хизматлар соҳасида қўшилган қийматнинг ўртача йиллик ўсиши 6,5 фоизни ташкил этган. Бу Марказий Осиёда энг юқори кўрсаткичдир.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, мазкур кўрсаткич Қозғистон (2,5 фоиз), Қирғизистон (3,1 фоиз) ва Тожикистон (5,2 фоиз)



каби қўшни давлатларникидан анча юқори. Сўнгги саккиз йил давомида мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажми 2,5 баробар ошган. Айниқса, молиявий хизматлар 7,6 баробар, ахборот ва алоқа хизматлари 4,9 баробар, таълим хизматлари 3,2 баробар ўсиши юртимизда рақамли трансформация, иқтисодий эркинлашув ва билимли кадрларга эҳтиёж ошганини кўрсатади.

Халқаро баҳолашларда Ўзбекистоннинг позицияси мустаҳкамланмоқда. 2023 йилда эълон қилинган Халқаро хизматлар жойлашуви индексида (GSLI) мамлакатимиз 78 та давлат орасида 40-ўринни эгаллади. Унда бизнес учун молиявий жозибадорлик даражаси юқори баҳоланди. Шунингдек, Рақамли бошқарув етуқлик индексида (GTMI, 2024) Ўзбекистон 43-ўринни

БОЗОРЛАРНИНГ ЯНГИ ХАРИТАСИ ШАКЛЛАНМОҚДА

эгаллаб, 2020 йилдагидан 37 поғона юқорилади. Электрон иштирок индексида эса 53-ўринга кўтарилди ва 0,699 индекс баҳоси билан рақамли хизматлари тараққий этган давлатлар қаторида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Рақамлаштириш жараёнлари ва онлайн хизматлар ривожига натижада ахборот ва электрон савдо соҳалари улуши 2017 йилдаги 2,2 фоиздан 3,7 фоизгача ошди. Электрон тижорат бозори ҳажми эса 1 миллиард АҚШ долларидан ошгани интернет орқали иқтисодий фаоллик шиддат билан ўсиб бораётганини кўрсатади. Бу нафақат иқтисодий самардорлик, балки жамиятнинг рақамли маданияти ва кўникмалари ўсиб бораётганидан далolat беради.

Сайёҳлик хизматлари эса энг тез ўсувчи йўналишлардан бирига айланди. 2017 йилдан буйён уларнинг ҳажми 2,1 баробар ошган. 2024 йилда туризм хизматлар соҳасида энг катта улуш — 22,4 фоизни ташкил этди. Шу йили Ўзбекистон 8 миллион сайёҳни қабул қилди ва Марказий Осиёда сайёҳлар оқими ўсиши бўйича 1-ўринни эгаллади. Ўсиш суръати йилга 20,1 фоизни ташкил этди. Туризм ва саяёҳатлар ривожланиш индексида (TTDI) юртимиз 119 давлат орасида

78-ўринни эгаллаб, 2024 йилнинг ўзида 16 поғона юқорилади. Бу натижалар туризм инфратузилмаси, рақамли хизматлар (онлайн банд қилиш, виртуал турлар) ҳамда виза расмийлаштириш жараёнлари соддалаштирилиши (e-visa) билан боғлиқ.

Ўзбекистон логистика соҳасида ҳам ўз позицияларини яхшиламоқда. Логистика самардорлиги индексида (LPI) 139 давлат орасида 88-ўринни эгаллади ва 2018 йилдагидан 11 поғона юқорилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида 5-ўрин, Марказий Осиёда эса 2-ўрин қайд этилди. Энг катта ўсиш божхона жараёнлари самардорлиги, халқаро савдодаги логистика занжирларининг интеграция даражаси ва логистика хизматлари сифати бўйича кузатилади.

2024 йилда хизматлар экспорти 7,2 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2017 йилдагидан 6 баробар кўп бўлиб, умумий экспорт ҳажмининг 26,7 фоизини ташкил этди. Хизматлар экспорти таркибида асосий улушни туризм (3,5 миллиард доллар — 48,8 фоиз) ва транспорт (2,6 миллиард доллар — 35,7 фоиз) ташкил қилди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро хизматлар бозоридagi ўрни тобора мустаҳкамланаётганини аниқлатади.

Иқтисодий тараққиёт фақат саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги билан эмас, балки хизматлар секторидagi ислохотлар ва инновациялар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Хизматлар соҳаси инсон капиталига, билим, ахборот ва коммуникацияларга таянадиган замонавий иқтисодиётнинг юрагидир. У жамиятнинг маданий, маърифий ва интеллектуал даражасини белгилаб берувчи асосий мезонга айланиб бормоқда. Агар таълим, соғлиқни сақлаш, молия, ИТ, туризм ва бошқа хизматлар соҳалари ривожланса, нафақат иқтисодий ўсиш, балки инсон фаровонлигининг ҳам кўтарилишига хизмат қилади.

Юртимизда хизматлар соҳасида кузатилаётган юқори ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг диверсификацияланаётганини, яъни фақат бир неча тармоққа эмас, балки кенг қамровли ва барқарор ривожланишга интилишни кўрсатади. Бу жараёни қўллаб-қувватлаш учун давлат сиёсатининг шаффофлиги, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақамли инфратузилмани кенгайтириш ва инсон капиталига инвестиция қилиш устувор вазифа бўлиб қолishi керак.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ҳаётий ташаббуслар қанотида

ХИРМОНГА БАРАКА, ХАЛҚҚА ХОТИРЖАМЛИК КЕЛТИРГАН ИСЛОҲОТЛАР

Яқинда гурунглариимиздан бирида тегирмон ҳақида сўз кетди. Даврадошимиз бугдой учун тегирмон қидиргани, аммо маҳалласидан ҳам, қўшни маҳаллалардан ҳам топилмагач, юз километр узоққа, ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги тегирмонга олиб борганини айтди.

— Бунга хурсанд бўлиш керак, Шерматбой, — дея гапга қўшилди тўрда ўтирган оқсоқол. — Буларнинг ҳаммаси юртимиздаги тўқинликдан дарак-қў. Дўконларимиз ун билан тўла, одамларда бугдой сақлаб, ун қидиришга эҳтиёж йўқ. Олдин кимнинг уйида бир йилга етадиган бугдойи бўлса бой ҳисобланарди. Хавотирсиз яшарди. Бугун бугдойнинг бор-йўғи ҳеч кимга қизиқ эмас. Бу одамларнинг топишдан барака бор, элнинг эртасидан кўнгли тўқ дегани.

Мўйсафидиннинг турмуш тарзини қанчалик ўзгаргани ҳақидаги хулосасига барча бирдек қўшилди. Гап кейинги йиллардаги ўзгаришлар мавзусига бурилди. Мен эса беихтиёр нон ҳақида ўйлай кетдим. Ҳа, нон халқимизнинг асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳолини арзон ва сифатли ун билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Аввал ғалла мустиқчилигига эришган эдик. Очик тан олиш керак, ўшанда аҳоли етарли даражада ун билан таъминланмаган эди. Бозордан ун сотиб олишга аҳолининг асосий даромади сарф этиларди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган ва арзон ун эса бир ойда аҳоли жон бошига икки ярим-уч килодан бериларди, холос.

Давлат захирасидagi унинг катта қисми нон ва нон маҳсулоти ишлаб чиқарадиган корхоналарга бериларди. Айрим ҳолларда бу корхоналар ишлаб чиқаришни иккинчи даражага тушириб, уннинг ўзини “қора бозор”да сотиб, даромад қила бошладди. Бу, ўз навбатида, коррупцияга йўл очди. Сохта нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилиб, давлат нархи белгиланган арзон

унларни олиб, қарийб бир баробар қимматга сотиш урфга айланди.

Шу каби омишлар сабаб қишлоқ аҳолиси ғалла мавсумида бугдой сотиб олишга мажбур эди. Ҳар бир маҳаллада камида битта, бўлмаса икки-учтадан тегирмонлар ишларди. Кўп одамлар бугдой учун фермерларга олдиндан пул тўлаб қўярди. Базан эса бечора фермерларнинг ўзига ҳам ортиқча бугдой қолмасди.

— Ғалла мустиқчилигига энди тўлиқ эришдик десак муболага бўлмайди, — дейди Мирзачўл тумани Янгидала маҳалласида яшовчи Шоди Атаев. —

“Ҳа, деҳқон бой бўлса, халқ бой, юртда тўқинлик ва фаровонлик бўлади. Агар деҳқон меҳнатидан манфаат топса, ерга меҳр бериб ишлайди, ҳосилдорлик ошади. Бу, ўз навбатида, мўл-кўлчилик, арзончилик ва фаровонликка хизмат қилади. Бунга Жиззах вилояти ғаллакорларининг 2025 йилда ғалладан мўл ҳосил олганини ҳам мисол қилиш мумкин.

Аҳолининг бугдойга, унга нисбатан “кўзи тўйди”. Дўконларимиз, бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган турли ёрликдаги сифатли ун билан тўла. Муҳими, ҳамёнбоп. Ҳозир ҳеч кимда бугдой, ун қиммат бўларкан деган хавотир йўқ. Тўғри, одам тез унутади. Аммо ўтган оғир кунларни эслаб, бугунги фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, шукроналик билан яшашга нима етсин. Кечагидек



эсимда, юртдошларимиз мажбур бўлгани учун ҳали пишиб етилмаган ғалланинг майдонига оралаб, бошоқ, ўрим вақтида эса бугдой юкланган машиналарга осилиб қоплаб дон ўғирларди. Юриб кетаётган уловдан дон тушириш илнжиди йиқилиб қўл-оёғи синган, ҳатто ҳалок бўлганлар ҳам бор.

Тўғри, ўшанда ўтиш даврининг оғир кунлари эди. Лекин кейинчалик ҳам ҳозиргидай

тўқинлик бўлмаган. Чунки қишлоқларда иш йўқ, даромад топиш қийин эди.

Кейинги йилларда юртимизда бошқа соҳалар қаторида ғалла бозорига ҳам эркинлик берилди. 2022 йил 28 майда Президентимизнинг “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳеч шубҳасиз, ушбу қарор соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Фермерларда ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Бу ғалла ҳосилдорлигини янада оширишга, меҳнатига яраша даромад топишга бўлган интилишни кучайтирди.

Тўғри, ўша пайтда халқ орасида энди ун, қолипчи нон (буханка) нархи ошар экан деган гап-сўзлар кўпайди. Аммо бу гап-сўзлар асоссизлиги, ваҳимага ўрин йўқлиги ўша йилнинг ўзида маълум бўлди.

Ўзим узоқ йиллар фермер ҳўжалиги раиси бўлганман. Ҳозир фермер ҳўжалигимизни ўғлим бошқаради. Юқорида айтилган қарор билан ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор

нархларига ўтилиши фермерларга манфаатли бўлди. Белгиланган режани биржа орқали, ортганини эркин бозор нархида сотипти. Аввал фермер кўпроқ иқтисодий манфаат олиш учун ғалла ва пахтага ажратилган ерга яширинча полиз ва бошқа экинлар экарди. Бугун соҳадаги ислохотлар сабаб, ғалла ва пахтанинг ўзи манфаатли маҳсулотга айланди.

Дарҳақиқат, бундай ўзгаришлар сабаб бугун мамлакатнинг ғалла захирасига кўпроқ ҳосил берияпти. Натижада нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қоплаш ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Чунки фермерлар дон топириб ҳам яхши фойда топишга ишонамоқда. Буни фермерларимизнинг ўзи ҳам эътироф этмоқда.

— Жорий йил 60 гектарга ғалла эдик, — дейди Дўстлик туманидаги “Ворисдон давр” фермер ҳўжалиги раиси Диёр Жўраев. — 90 центнергача ҳосил олдик. Шу тарика хирмонимиз донга тўлди. Қаерда иқтисодий манфаат бўлса, ўша жойда юксалиш, тараққиёт бўлади. Аввал шартномавий режани зўрға бажарган бўлсак, бугун қаранг, иштиёримизда гектаридан деярли 50 центнергача ғалла қоляпти. Сув, минерал ўғит, ёқилғи маҳсулотларидан умуман муаммо йўқ. Буни ҳисобга олиб, ғалладан бўшаган ерларга тақрорий экин эдик. Бугун ҳақиқий деҳқоннинг замони келди десам, муболага бўлмайди. Меҳнатимиз ортидан келган ҳалол даромаддан турмушимиз обод, дастурхонимиз тўқин бўляпти.

Ҳа, деҳқон бой бўлса, халқ бой, юртда тўқинлик ва фаровонлик бўлади. Агар деҳқон меҳнатидан манфаат топса, ерга меҳр бериб ишлайди, ҳосилдорлик ошади. Бу, ўз навбатида, мўл-кўлчилик, арзон-

чили ва фаровонликка хизмат қилади. Бунга Жиззах вилояти ғаллакорларининг 2025 йилда ғалладан мўл ҳосил олганини ҳам мисол қилиш мумкин.

— Вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси маълумотига кўра, жорий йилда вилоят ғаллакорлари 88,1 минг гектар сувли ва 100 минг гектарга яқин лалми майдонда бугдой парваришлаб, сувли майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 70-80 центнердан ҳосил кўтарган. Сувли ерлардан баракали ҳосил етиштиришда Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, лалмида эса Янгиобод, Бахмал ва Зомин каби туманларнинг ҳиссаси катта бўлган. Айниқса, 100 дан зиёд фермернинг фидойилик кўрсатиб, ҳар гектар ғалладан 90-100 центнердан хирмон кўтаргани тахминан сазовордир. Бу катта натижа! Бу борада Пахтакор туманидаги “Анвар А”, Дўстлик туманидаги “Асал момо”, Арнасой туманидаги “Сууюнов Сардор даласи”, Зафаробод туманидаги “Янги тонг”, Шароф Рашидов туманидаги “Қўрғонтепа”, Мирзачўл туманидаги “Ботир Ислоом”, Зарбдор туманидаги “Мусурмон дов”, Зомин туманидаги “Бек” фермер ҳўжаликлари юқори ҳосилдорликка эришган.

Вилоят ғаллакорлари мавсум якуни билан жами 850 минг тонна ғалла ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу ўтган йилги ҳосилдан 150 минг тонна кўп дегани. Бугун бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Дунёдаги турли зиддиятлар, иқлим ўзгариши каби омиллар озиқ-овқат тақчиллиги, нархлар ошишига олиб келяпти.

Шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича самарали ишлар қилинаётгани одамни қувонтиради. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар қўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади”.

Бугунги натижалар, хирмонларимиз донга тўлгани, тўқинлик, умуман, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқимиз хавотирсиз яшаётгани ушбу сўзларнинг амалдаги тасдиғидир.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Янгича ёндашувлар

ТАЪЛИМ УЧУН ТАХДИДМИ ЁКИ ИМКОНИЯТ?

Замоннинг шиддатли ривожии замирида сунъий интеллект деб аталмиш янги йўналиш пайдо бўлиб, ҳозир инсон кўли етган ва ҳатто етмаган ҳар қандай жойга кириб борапти. Тиббиётдан тортиб, бизнесгача, кундалик ҳаётни тартиблаштиришдан мукаммал масалалар ечимини топишгача бўлган соҳаларда у мавжуд.



Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти

Айни чоғда сунъий интеллектнинг инсон ҳаёти ва жамиятга таъсири ҳақидаги баҳс-мунозаралар кундан кунга кучайиб бораётгани ҳам бор гап. Олимларнинг бир қисми маскур технологияни олқишлаётган бўлса, айримлари уни реал тахдид ҳисобламоқда.

Унинг энг катта таъсири таълимда сезилапти. Яъни у таълимни ривожлантириш учун имконият яратиш борабариди салбий таъсир ҳам кўрсатамоқда. Хусусан, яқин йилларда чат-ботлар, роботлар ва сунъий интеллект ўқитувчилар ўрнини босиши мумкин. Қолаверса, сунъий интеллект ўқитувчиларнинг топшириқларни баҳолаш вақтини 70 фоизгача қисқартиради.

Сунъий интеллектнинг таълимдаги энг катта ютуқларидан бири ўқув жараёнини ҳар бир ўқувчига мослаштириш имкониятидир. Илгари ўқитувчи бир гуруҳ ўқувчиларга бир хил дарс режаси асосида таълим берган бўлса, энди сунъий интеллект ёрдамида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос эҳтиёжлари ва ўзлаштириш даражасига мос дарслар тузилмоқда. Масалан, ўқувчининг қайси мавзуда қийналаётганини аниқлаган ҳолда сунъий интеллект уларга қўшимча машқлар ёки тушунтиришлар таклиф

қилади. Энг ёмони, сунъий интеллектдан ўқитувчилар ҳам академик ҳалоллик таъминоти нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, манбаси ноаниқ маълумотларни илмий ҳулоса сифатида кенг жамоатчиликка тақдим этиш ҳеч қайси қоидага тўғри келмайди.

Сунъий интеллектнинг яна бир жиҳати ахлоқий масалаларга бориб тақалади. Яъни у шахсий маълумотларни қай даражада ҳимоя қила олади? Бу саволга ҳозирча ҳеч қандай жавоб йўқ ва бу ҳолат хавотирли. Сабаби, текнгитлар сифатида эътироф этилган Google, Facebook ва интернет билан боғлиқ бошқа майдонлар пайдо бўлиши ва ривожланиш дарида барчага хавфсизликка қатъий риоя қилиши ҳақида бонг уришганди. Ваҳоланки, замон ўзгариб, ҳатто шахсий мессенжерлар ҳам фойдаланувчилар маълумотларини хавфсиз сақлай олмапти.



қила олади. Бу, айниқса, синфда турли даражадаги билимга эга ўқувчилар бўлса, жуда фойдали.

Сунъий интеллект нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларга ҳам катта ёрдамчи вазифасини ўтамоқда. Масалан, у орқали дарс режаларини тузиш, тестларни баҳолаш ёки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш каби кўп вақт талаб этадиган вазифалар автоматлашади. Бу ўқитувчига ўқувчилар билан кўпроқ вақт ўтказиш ва уларга индидуал ёндашши имконини беради.

Бундан ташқари, сунъий интеллект ўқитувчиларга янги ўқув усулларини таклиф қилиши ва уларнинг малакасини оширишга ёрдам бера олади. Хусусан, ўзим сўнгги икки йилда университетдаги дарсларимнинг амалий қисминини сунъий интеллект ёрдамида ўйинлаштириш (геймификациялаш)га ва талабалар диққатини гаджетлардан қайтариб, ўзимга оғдиришга оз бўлса-да эришдим. Бу — соҳа вакили сифатида ўз кузатувим ва хулосаларим. Лекин ҳар қандай янги технология сингари сунъий интеллект ҳам муаммолардан холи эмас. Масалан, унга ҳаддан ташқари таяниш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилияти пайсийишга олиб келади. Ҳар сафар талабаларга уйга вазифа берилганда улар бу вазифани уйда эмас, балки дарсга 15-20 дақиқа вақт қолганда сунъий интеллект ёрдамида тайёрлаб киришади. Натижада ёшларнинг креатив ва танқидий фикрлаш, муаммолни вазиятларни таҳлил қилиш, реал кейсли вазиятларга амалий ёндашши каби кўникмалари сўниб бормоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — бу академик ҳалоллик. Стэнфорд университети олимлари тадқиқотларида сунъий интеллект таълим жараёнига кириб келганидан буюн талабаларнинг 70 фоизи диссертация ишларини у ёрдамида ба-жараётгани аниқланган. Бугунги кунда дунёда талабаларнинг 95,6 фоизи таълим жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланаётганини инобатта олсак, бу яхши ҳулоса чиқаришга тўсқинлик

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талабалар ва устозлар таълим жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланишда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиш. Жумладан, сунъий интеллект воситалари (ChatGPT, Google Assistant) иншо, тест ёки лойиҳаларни талабанинг ўрнига тўлиқ бажариш учун ишлатилмаслиги керак. Улар фақат тушунча олиш ёки таҳлил учун ёрдамчи восита сифатида қўлланилиши лозим. Масалан, иншо ёзишда гоёлар олиш мумкин. Лекин ўзи ёзиши керак.

Сунъий интеллектга ҳаддан ташқари таяниш мустақил фикрлаш қобилиятини пайсийтиради. Талабалар муаммолни кейсларни ўзлари ечиши керак. Мисол учун, математик масалани ечишда сунъий интеллектдан фақат ечимни текшириш учун фойдаланса бўлади.

Шахсий маълумотларни сунъий интеллект платформаларига киритишдан сақлашни шарт. Чунки бу маълумотлар хавфсизлиги қафолатланмаган.

Ўқитувчилар эса талабаларга сунъий интеллект воситаларидан ахлоқий фойдаланишни ўргатиши (бунда ўзи ҳам бу нормаларга амал қилиши), уларга мустақил таълим олишнинг муҳимлигини тушунтириши керак. Сунъий интеллектдан фойдаланиб, дарс машғулотларини яхшилаш мумкин, бироқ шаффофик ва академик ҳалоллики сақлаш лозим.

Умуман, ривожланишни истаган ҳар бир инсон сунъий интеллектдан фойдаланганда ишнинг қайси қисмида ишлатилганини аниқ кўрсатиши, ундан ёрдамчи восита сифатида фойдаланиши, махфий маълумотларни ҳимоя қилиш учун доимий чоралар қўриши, тақдим этилаётган маълумотларни ҳар доим ва қайта текшириши керак. Нега деганда, сунъий интеллект барча соҳада, хусусан, таълимда инқилоб қилишда давом этмоқда. Келажакда сунъий интеллект ёрдамида нафақат ўқув жараёни янада самарали кечади, балки таълим ҳар бир инсон учун янада очик ва қулай бўлади. Бироқ унинг ортда бизга ҳозирча но-маълум бўлган ҳақиқий тахдидлар ҳам пайдо бўлиши мумкин.



Миллий давлатчилигимизда сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври (819-999 йиллар) Биринчи Ренессанс даврига тўғри келади. Биринчи Ренессанс даврида бутунги Ўзбекистон ҳудудида илм-фаннинг юксак тараққиёти кечган. Қолаверса, аниқ ва табиий фанлар, исломий илм тармоқлари, тарих, адабиёт каби фан соҳалари, маданият ва санъат ривожланган.

Сомонийлар сулоласи тарих саҳнасида VIII аср охири — IX аср бошларида пайдо бўлган. Сулола аждодлари Турон, Эрон ҳудудидаги сиёсий жараёнларда сосонийлар давридан бошлаб фаол қатнашиб келган. Уларнинг тарихи сосонийлар даврида яшаган қўмондон Баҳром Қўбин билан боғланади.

Балх вилояти Сомон қишлоғининг деҳқони (эгаси), Баҳром Қўбин авлодларидан бўлган Сомонхудо умавий халифа Ҳишом билан Абдулмалик даврида исломни қабул қилган. Сомонхудо VIII асрнинг биринчи чорагида Балхдан Хуросон амира Асад ибн Абдуллоҳ Қасрий (айрим манбаларда Қушайрий) хузурга келиб, Балхдаги душманларига қарши курашда унга ёрдам беришини сўрайди. Амирнинг ёрдами билан душманларини енгиб, макъенин тиклаб олгач, у ислом динини қабул қилиб, ўглининг исмини Хуросон амира шарафига Асад деб қўйди.

Сомонхудодиннинг ўғли Асад халифалик шарқий ҳудудларида кенг ёйилган ва умавийлар сулоласига қарши қаратилган Абу Муслим ҳаракати иштирокчиси ва унинг издошларидан бўлган. Асад халифа Ҳорун Рашид замонида вафот этган. Унинг сиёсий фаолиятига доир бошқа аниқ маълумотлар сақланмаган. Асаддан беш ўғил дунёга келган: Уларнинг исмлари Нух, Аҳмад, Наср, Яхё, Илёс бўлган.

Сулоланинг илк ҳукмдорлари. Асад ибн Сомон ўғилларининг энг каттаси Нух ибн Асад 819-842 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятларини бошқарган. У 819 йилда аббосийлар халифаси Маъмуннинг топшириғига кўра, Хуросон ноибӣ Ҳасон ибн Аббос томонидан Самарқанд ҳокими этиб тайинланган. Туркий анъаналарга кўра, Нух ака-укаларнинг энг ёши каттаси сифатида сулола етакчиси ҳисобланган. 839-840 йилларда Исфижобни қўлга киритган.

Нухдан кейин унинг лавозимини иниси Аҳмад ибн Асад (842-864) эгаллаган. Аҳмад оиланинг энг ёши катта вакили сифатида Нухнинг вафотидан кейин Самарқанд, яъни Мовароуннаҳр тахтини эгаллаган. Тахминан 855-856 йилларда иниси Яхё вафот этганидан кейин Шош (Тошкент) ҳам Аҳмаднинг тасаруфига ўтган. Майяян вақтдан кейин Аҳмад Фарғонага қайтган ва ўғли Насрни Самарқандда қолдирган.

864 йилда Аҳмад вафот этганидан кейин тахтни унинг ўғли Наср эгаллаган. Аҳмад ибн Асаднинг тўнгич ўғли ва вориси Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад гайридинларга қарши ғазавот урушлари олиб борган. Унинг 300 минг аскар билан Шовабага юриш қилгани маълум.



Мансур ибн Нух. XIII аср охири ва XIV аср биринчи ярмида Элхонийлар (Эронда ҳукмронлик қилган, келиб чиқиши мўғулларга боғлиқ сулола) даврида чизилган.

888 йилда Аҳмад ибн Асаднинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш қайтадан бошланди. Бир тарафда Наср ва Асад, иккинчи тарафда эса Исмоил ва Исҳоқ уришди. Бу урушларда Исмоил ғалаба қозонди. Ака-укалар ўртасида сулҳ тузилган ва Наср Самарқандда 892 йилгача, яъни ўлимига қадар сулоланинг энг ёши катта вакили сифатида ҳукмронлик қилган, аммо амалда Исмоил етакчи вазифасини бажарган.

Сомонийлар сулоласининг гуллаб яшнаган даври 900-954 йилларга тўғри келади. Исмоил ибн Аҳмад акаси Наср ибн Аҳмад сулола етакчиси бўлган вақтда йилгирча йилга яқин Бухоро ҳокими лавозимини эгаллаган. 892 йилда Насрнинг ўлимидан кейин Исмоил бутун Мовароуннаҳр ҳукмдорига айланган ва

пойтахтини Бухорога қўчирган. Исмоил аббосий халифа Муътазид даврида Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида тан олинган. 893 йилда у шимолӣ чегаралардаги Тараз шаҳрига ҳужум қилган. Исмоил, шунингдек, Сирдарё ўрта ҳавзасидаги Уструшона ҳукмдори Абшин устидан ғалаба қозongan ва у ерда сомонийлар ҳокимиятини ўрнатган. У 900 йили Амр ибн Лайс устидан Балх ақинида эришган ғалабаси ва уни асир олганидан кейин замондошлари томонидан буюк ҳукмдор сифатида тан олинган. Ўша замон манбаларида сомоний ҳукмдорлар ичида Исмоил илк Хуросон волийси (нойоби, ҳукмдори) сифатида кўрсатилади.

Исмоил халифалар номидан тангалар зарб қилди ва хутбада халифа исмини ҳукмдор сифатида тан олди, аммо Бағдодга нисбатан узокроқ ҳудудда ҳукмронлик қилгани сабабини амалда мустақил ҳукмдор эди. Исмоил кўплаб вақфлар таъсис этган, ободончиликка катта эътибор қаратган.

Аҳмад ибн Исмоил Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган. У 907 йилда отасининг ўлимидан кейин тахтга чиққан.

Кейинги сомоний амир Наср ибн Аҳмад отаси Аҳмад ўз гуломлари томонидан ўлдирилганидан кейин, 914 йилда 8 ёшида тахтга чиққан. Бу даврда бошқарув вазир, олим ва географ, шунингдек, давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозongan Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайхоний қўлида эди. Кейинроқ 922 йилда Абул Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ Бальямий вазир этиб тайинланган. У ҳам буюк олимлардан эди. Наср даврида Бухорода илм-фан ривожини энг чўққисига чиққан. Жайхоний, Бальямий

ҳокими, келиб чиқиши гуломлардан бўлган Аллтегин ёрдамига таянган. Натижада Аллтегиннинг таъсири кучайиб кетган, шунингдек, Аллтегин вазир Абу Али Бальямий билан биргаликда иш кўрган. Аллтегин сомоний ҳукмдор Абдулмалик ўлганида унинг гўдак ўғли Насрни тахтга чиқаришга уринган. Бироқ унинг рақибӣ кўмондон Фоиқ ал-Хосса ва бошқалар тахтга Мансурни чиқаришга эришган. Аллтегин бу мағлубият натижасида Хуросонга чекинишга мажбур бўлган.

Бу даврда бувайхийлар ва сомонийлар ўртасида Рай учун урушлар бўлган. Ички айрим муаммоларга қарамай, Мансурнинг ҳукмронлиги даври нисбатан барқарор тарзда кечган. Мансур Бухоронинг Жўйи Мулӣён мавзесида саройлар ва боғлар қурдирган. Унинг даврида ўрта аср мусулмон географларидан Ибн Ҳавқал Бухорога келган ва Мансурни замонасининг энг адолатли ҳукмдорларидан эди деб маълумот қолдирган. Мансур даврида саройда



қўллаб-қувватлашга ваъда берган. Сабуктегиннинг 20 минг кишилик қўшини Абу Али Симжурӣ ва Фоиқ аскарларига Ҳирот атрофида кучли зарбалар берган. Нух ибн Мансур Бухорога қайтган. Бироқ унинг сомонийлар давлатини таназзулдан сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари натижа бермади. Қорахонийларнинг Бухорога 996 йилдаги ҳужумлари оқибатида Сабуктегин билан Бугрохоннинг вориси Наср Элакхон ўртасида Нух ибн Мансурнинг иштирокисиз музокаралар ўтказилиб, сомонийларга Мовароуннаҳрнинг фақат маркази қолдирилади. Ниҳоят тинчлик ўрнатилган бўлса-да, ундан олдинги тўқнашув йиллари сомонийларга қаттиқ таъсир кўрсатган, қорахонийлар шимоли-шарқнинг катта қисмини ўз назоратига олган бўлса, газнавийлар Хуросонда ва Амударёдан жанубдаги ерларда мустақкам ўрнашган эди.

Нух саройида шoir Дақиқӣ ижод қилган ва у кейинчалик Абулқосим Фирдавсий томонидан тугатилган машҳур "Шохнома" асарини ёзишни бошлаган. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино 16 ёшида Нух ибн Мансурни доволаб, ўша даврда Шарқдаги энг бой саналган сомонийлар кутубхонасида мутлоаа қилиш имкониятига эга бўлган.

Мансур II ибн Нух даврида кўмондонлар Абу Али Муҳаммад Симжурӣ, Фоиқ, Бектузун, Сабуктегин ва Маҳмуд кабиларнинг таъсири юқори бўлган. Қорахонийлар шарқ томондан сомонийларга қарашли ерларни тортиб олишда давом этган.

Исёнчилар қорахоний Абул Ҳасан Насрни сомонийларнинг ички муаммоларига аралашшига қорлаган. Қорахонийлар томонга ўтган сомонийлар кўмондини Фоиқ қорахоний ҳукмдори қўшини билан Бухорога ҳужум қилган. Мансур қочиб кетган, аммо кейинроқ қайтишга қўндирилган. Фоиқ эса ўз ҳокимиятини сақлаб қолган.

Фоиқ ва Бектузун Мансурнинг Хуросон устидан тўлиқ назоратни Маҳмудга беришдан хавфсираб, уни 999 йилда тахтдан туширган ва қўзига мил тортган. Мансурнинг иниси Абдулмалик II ибн амир деб эълон қилган.

Абдулмалик II ибн Мансур 999 йилда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган. Унинг қисқа ҳукмронлиги даврида сомонийлар сулоласи тугатилган. 999 йил қишида отаси амир Мансур II тахтдан туширилган ва



Нух ибн Насрнинг олтин динори.

илм-фан гуллаб яшнаган. Абу Али Бальямий томонидан Табарийнинг тарихга оид машҳур асари форс тилига таржима қилинган.

Нух II ибн Мансур ҳокимият тепасига келишига онаси ва вазир Абул Хусайн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Утбӣй ёрдам берган. Унинг ҳукмронлиги даврида қорахонийлар 980 йилда Исфижобни эгаллаган. Утбӣй эса Хуросондаги қорахонийлар нойибӣ Абул Ҳасан Симжурӣни йўқ қилишга эътибор қаратди. Вазир Абул Ҳасанин жуда кучли деб ҳисоблаган. Нух 982 йилда уни лавозимидан четлаштиришга муваффақ бўлди. Унинг ўрнига ўз одамларидан бўлган Тош исмли турк кўмондонини тайинлаган.

Бувайхийларга қарши ҳаракатлар сомонийлар томонидан 982 йилда ҳам амалга оширилган. Бошида сомонийларнинг қўли баянд келган, бироқ кейин бувайхийлар муваффақият қозongan. Бувайхийларнинг сомонийлар давлатига бостириб кириши Азуд ад-давланинг вафоти туфайли амалга ошмаган. Сиёсий жараёнларда турк лашкарбозиларининг макъеи кучайган. Нух ибн Мансурнинг лашкарбонисӣ Фоиқ Работи Малик яқинида 992 йилда бўлган жангда атайлаб енгилган ва қорахонийлар ҳукмдори Ҳорун (манбаларда унинг исми Ҳасан тарзида ҳам келади) Бугрохон Бухоронини урушсиз ишғол қилган. Бироқ 992 йилда Бугрохон касаллик туфайли Қашқарга қайтиб кетаётганда йўлда вафот этган.

Нух Омулдан (Чоржўй) қайтиб, Бухоронини қайта эгаллаган. Бу пайтда сомонийлар давлатига қарашли Хуросон Абу Али Симжурӣ (Абулҳасан Симжурӣнинг ўғли) ва Фоиқ, Ғазна ва Хирот вилоятлари Сабуктегин қўлида бўлган. Нух билан Сабуктегин ўртасида Кеш ва Нахшабда ўзаро учрашув бўлиб, унда Сабуктегин сомонийларни

қўзига мил тортилган. Маҳмуд Ғазнавий эса Мансурнинг тахтдан ағдрилишидан Хуросоннинг сомонийлар қўлида бўлган қисмларини забт этиш учун баҳона сифатида фойдаланган.

Абдулмалик ва Фоиқ (кейинчалик Бектузун ҳам қўшилиди) Маҳмудга қарши янгидан ҳужум қилиш учун етарли куч тўплашга уринди. Бироқ Фоиқ тез орада вафот этди, тахминан бир вақтнинг ўзида Насрхон бошчилигидаги қорахонийлар босқинчилик юришларини кучайтирди. Ўз қўл остидаги қоракхонийлар дуч келган Абдулмалик қоракхонийлар ҳужумига қарши ожиз эди. Бухоро курашсиз босиб олинди, Абдулмалик эса асир этилди. Абдулмалик саккиз ойдан бир оз кўпроқ вақт ҳукмронлик қилган. Қорахоний Наср Элак (Элиг) ибн Али 999 йил қузида Бухоронини эгаллади, у Абдулмаликни тахтдан ағдариб, ўзига сургун қилди ва Мовароуннаҳрни ўз мулкларни таркибига қўшиб олди. Шу тарика сомонийлар ўртасида тахсимланди. Охириги сомоний Исмоил ибн Нух Мунтасир яна 1000-1004 йилларда сулола тахтини тиклаш йўлида курашди, аммо муваффақиятсизликка учради. Сомонийларнинг сўнгги амира Мунтасир 1005 йилда кўчманчи арабларнинг Замм қалъаси яқинида жойлашган лашкаргоҳида ўлдирилган.

Сомонийлар сулоласи амирлари ўзбек давлатчилиги тарихида, жумладан, илм-фан ҳомиеси, ислом ҳимоячиси ва халқ манфаатини ифодаловчи ҳукмдорлар сифатида давлат ривожига муҳим ўрин тутган.

Ҳусниддин МАМАДАЛИЕВ, тарих фанлари номзоди

Ҳазон яфрроғи янглиғ гул юзунг
ҳажрида сарардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ,
бу чехраи зардим.

Бу нола, бу аламли фарёд ўрта асрлар қатридан бизга етиб келиб, юрагимизга ларза солади. Андижон тупроғининг фарзанди, “толе йўқи” бошига балоліғ бўлган саркарда ва аламдийда шоир Заҳириддин Бобур қисматини баён қилади. Унинг ватандан йироқда, соғинч изтироби билан кечган зардобли кунларидан ҳикоя қилади.

Бобур шеърияти бошдан оёқ ёр ва диёр ҳижрони шарҳидан иборатдир. Унинг ҳар бир байтида айрилиқ дарди, фироқ азоби ошкор бўлиб туради.

Мана, юртдан олисда, ғариблиқда шоир сарой деразасидан боққа қараб ўлтирибди. Куз фасли дарахтларнинг баргини заъфарон қилган. Салқин шабада ҳазон япроқларини учиради. Борлиқда юракни эзувчи бир сокинлик, диққи-нафаслик. Шоир қўлига қалам олади. Унинг ҳаёлида ана шу саргайиб бораётган боғ — ўз умри — ғариблиқда ғам билан кечаётган ҳаёти. У бераҳм ёр сиймосида намоён бўлгувчи тақдир азалга мурожаат қилади:

Ҳазон яфрроғи янглиғ гул юзунг
ҳажрида сарардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ,
бу чехраи зардим.

Ҳазон япроғи, ҳажр, сарғариш, чехраи зард — бир байтда шунча ғамли ташбиҳлар...

Ким билсин, балки, шоир ҳаёлида гулюз, лоларуҳ ёр тимсолида олисдаги гўзал Фарғона водийси намоён бўлгандир, ахир шоир учун ёр ва диёр тушунчалари доимо эгиз. Ахир шеъриятнинг минг йиллик анъанасида ёр тимсоли — инсон қалбининг гўзалликка бўлган ташналигини, соҳир кўдратга эга бўлган холиқ олдидаги ҳайратини ва бу гўзалликлардан вақт келиб, абадул-абадга маҳрум бўлишга

Латофат гулшанида гул киби
сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин ҳазон
яфрроғидек бордим.

Ўз ватанидан ҳазон япроғидек узилиб кетган шоир ўз қалби билан, жони билан туғилиб ўсган ватанида, қисмат уни юртдан айирган бўлса-да, юрт меҳридан айирган эмас. Ахир уни ватанидан жудо қилган — тожлараст шаҳзодалар, вафосиз қариндошлар, хуласи — бешафқат замон, гардуни дун — чархи кажрафтор... Бобур бу оқибатсиз элни, қадр билмас улусни тарк этиб гурбатни ихтиёр қилди ва гурбат азоби қанчалар мушкул бўлмасин, бу тоифадан ўзини қутқаргани учун шоир шукрона айтади:

Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин
эл танаффурда,
Ба ҳар ранге, бихамдиллаҳ,
улусдин ўзни қутқордим.

Яъни менинг қон ёшимни, хазондек сариг юзимни кўриб эл нафрат қилса,

ҳасратга тўлганда ҳам унинг баёнига гўзал сўз излайди. **Юлдузмини қидирдим**, деган ибора ўрнида **ахтаримни ахтардим** дейди ва байтни юксак санъат даражасига кўтарди.

Шеър сўнгги байтга келди. Шоир ҳаёлан ўзининг ўтган бутун умрини фалак дафтарини арақлагандек арақлайди. Бу дунёда кўрган машаққатларини, ошган доволларини, жангу жадалларни, ҳамсухбат бўлган яхши-ёмон одамларни кўз олдига келтирди ва бирмунча ўзига тасалли беради. У айтади:

Улуснинг таъну таърифи манга,
Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин
утқардим.

Майли, улус менинг тўғримда нима деса десин, қандай таъналар ёғдирса ёғдирсин, таънаю мақтовлар мен учун аҳамиятсиздир. Чунки мен ўзимни яхши ёмондан ўтқардим, яъни яхшилиқни, ҳам ёмонлиқни ҳам кўрдим.

Барча улуг даҳолар нидоси каби Бобурнинг нидоси ҳам фақат ўз замони ва замондошларигагина эмас, олис авлодларга ҳам қаратилгандир. Не ҳайратки, биз улуг шоирнинг узоқ набиралари Бобур шеъриятини ҳам таърифладик, ҳам Ҳиндистонни истило қилган шоҳ деб таъналар ҳам отдик. Лекин вақт ҳаками ўз ҳукмини чиқарди. Тарих Бобурни Ўрта Осиёдаги шоҳу шаҳзодаларнинг ўзари низолари қувғиндиси сифатида баҳолади, унинг дарду аламга тўла шеърларини юксак қадрлади. Бобурийларнинг Ҳиндистон маданияти, адабиёти, санъати, меъморчилиги ривожигаги ўрни тўғрисида ҳинд халқининг буюк намоёндалари таҳсин сўзларини айтдилар. Қўйдаги сўзлар Ҳиндистоннинг тараққиётпарвар давлат ва жамоат арбоби Жавахарлал Нерунинг “Дунё тарихига назар” деб аталган китобидан: “... Бобур ўз замонининг энг маданиятли, жозибали одамларидан эди. У ҳурфий жаҳолатдан, маъҳаб маҳдудлигидан озод бўлган шахс бўлиб, ўз аждодларига ўхшаб (Неру бу ўринда Чингизхонни кўзда тутди) *вайронгарчилик қилмади. Бобур санъатни яхши кўрар ва форс тилида шеърлар ёзар эди.* (Неру ўзбек тилини билмаган ва араб алифбосида ёзилган шеърларни форсий деб англаган бўлиши мумкин). У гуларни, *боғларни севарди, жазиралар Ҳиндистонда кўпинча ўз ватани Ўрта Осиёни соғиниб ёдлар эди. “Фаргонанинг бинафшалари нақадар гўзал”, — деб ёзган эди у ўз эсдаликларида. — У ерда лолалар, атиргулар беҳисоб”.*

Бу мустақил Ҳиндистонга асос солган, янги давлатнинг биринчи раҳбари бўлган шахсининг сўзлари. Мана бу эса Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз сўзлари:

Толеъ йўқи жонимга балоліғ бўлди,
Ҳар шиниким айладим —
хатоліғ бўлди.

Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори қозландим,
Ё Раб, нетайин, не юз кўролиғ бўлди?!

Биз улуг шоиримизни севамиз, унинг ёниқ сатрларини қалбимизга жоз қиламиз, ҳазон япроғи каби ўз ошиёнидан жудо бўлган ҳижронзада юрак изтиробларини англаймиз ва ярим минг йил оша Бобур ғазалларини қўшиқ қилиб айтамиз...

Ҳазон яфрроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарардим...

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Мулоҳаза

Халқимизда “бобо” деган сўзнинг мақоми баланд. Болалигимизда бобо деганда кўз ўнгимизда насихаттўй ёки устоз эмас, балки ҳар иккисидан ҳам зиёда сиймо гавдаланар, чунки улар оиланинг мустақкам қалқони ҳисобланар эди. Нигоҳида салобат, ҳар бир сўзида тарбия, хатти-ҳаракатида намуна мужассам бўларди.

ЁШ АВЛОД
“ЭНЦИКЛОПЕДИЯ”СИ

Овозини кўтариб гапирмаса-да, сўзи оилада ҳал қилувчи эди. Дунё ҳақидаги илк тасаввурни боболаримиз шакллантирган бўлса ажаб эмас. Боиси, улар айтиб берган ҳаётий ҳикоялар, шууримизга синдириган урф-одатлар негизда ўзига хос ҳикмат ва яхшилиқка чорловчи ибрат бисёр эди. Айтиб берган эртақлари ахлоқни, ҳикоялари умр ҳақиқатини, гўзал суҳбатлари эса ҳаётга муҳаббатни ўргатарди.

Бугун давр ўзгаргандек. Тўғри, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ҳар бири-зининг қалбимизда асл ҳолича турибди. Бироқ телефон, интернет ҳамда глобал маданият ҳаётимизга шиддат билан кириб келгани, натижада турмуш тарзини, қарашларимиз ўзгаргани ҳам айна ҳақиқат.

Негари ҳозирги аксарият ёшлар билимни турли платформалардан, ҳаёт ва одобни ижтимоий тармоқлардан ўрганаётгандек туюлаверади. Лекин билганлари орасида боболар ўргатадиган муомала маданияти, одоб ва ахлоқ йўқ.

Давлатимиз раҳбари бир йиғилишда бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбиялаётгани, мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафкура тарқатадиган қурола айланаётгани, буларнинг барчаси биз учун огоҳлиқ кўнги-роғи бўлиб янграши зарурлигини таъкидлаган эди.

ларда, эҳтимол, бола айбдор эмасдир. Унга берилётган тарбия, оиласининг “замонавий ғамхўрлиги” сабаб ушбу вазият юзага келгандир.

Давлатимиз раҳбари бир йиғилишда бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбиялаётгани, мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафкура тарқатадиган қурола айланаётгани, буларнинг барчаси биз учун огоҳлиқ кўнги-роғи бўлиб янграши зарурлигини таъкидлаган эди.

шахсий ва оилавий алоқалардан иборат эмас, балки бутун жамиятнинг маънавий келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Умр йўлимда раҳматли бобомнинг ўғитлари кўп асқотган. У билан қилган суҳбатларимиз ҳаёт сабоқлари билан тўла бўларди. Ҳовлимиздаги бирор дарахт ҳақида сўрасам, у дарахтнинг ёши, ким эккани, меваси қайси дардга шиғолиги ва ҳатто унинг соясида қимлар дам олгани ҳақида ҳам гапириб берарди. Бобом фақат нимани билиш кераклигини эмас, балки нима учун билиш зарурлигини ҳам ўргатарди.

Бугунги аксарият болалар эса бу нима, у ким деган саволларни бобоси ёки ота-онасидан сўраб ўтирмайди. Нимани билмоқчи бўлса, смартфонига мурожаат қилади. Бироқ интернет бераётган жавобларда ҳаёт тажрибасио нинжа тафаккур акс этармикан деган савол қийнайди кишини.

— Биз фарзандларимизга болалигиданоқ китоб ўқишни ўргатардик. Ҳар бир саҳифани бирга ўқиб, савол-жавоб қилардик. Ҳар қандай неъмат тарбия билан, масъулият билан мувозанат топсани самарали бўлади. Бизнинг вазифамиз ёшларни илмли қилиш, улар билан доимий мулоқотда бўлиб, шахсий намуна кўрсатиш, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов. — Ёши улуглар бола қалбига тарбияни дабдурустан эмас,

Барча улуг даҳолар нидоси каби Бобурнинг нидоси ҳам фақат ўз замони ва замондошларигагина эмас, олис авлодларга ҳам қаратилгандир. Не ҳайратки, биз улуг шоирнинг узоқ набиралари Бобур шеъриятини ҳам таърифладик, ҳам Ҳиндистонни истило қилган шоҳ деб таъналар ҳам отдик. Лекин вақт ҳаками ўз ҳукмини чиқарди. Тарих Бобурни Ўрта Осиёдаги шоҳу шаҳзодаларнинг ўзари низолари қувғиндиси сифатида баҳолади, унинг дарду аламга тўла шеърларини юксак қадрлади.

маҳқум этилган жонларнинг гуассасини ифода қилиб келди. Шунинг учун ёр — гўзаллик тимсоли, бераҳмлиқ тимсоли, бевафоліқ тимсоли. Бамисоли дунё, тириклик, умр, жон каби.

Шоир куз либосидаги боғ аро юксалган, баҳорий тўн кийган, гўзал ва мағрур сарваг боқади ва унинг қоматида етолмаган орзуларининг юксаклигини кўради. Сарв ёр қиёфасига қиради:

Сен, эй гул, қўлмадинг
саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёгингга тушиб, барги хазондек
мунча ёлбордим.

Сарв остида ётган ҳазон баргида шоир ўзининг ҳолатини кўради. Чунки ҳазон япроғи — ўзи жуздилик рами. Шоирини ҳам умр кузида қисмат шамоли ўз она дарахтидан — ўз юртидан йироқларга учирди ва тупроқ аро йўқ бўлиб кетишга маҳқум қилди.

Бобур ёр саркашлиғи заминиди қисмат саркашлигини кўради ва ўзининг қудрати олийдан нажот сўраб қилган илтижоларини сарв оёғи остида ётган ҳазон баргининг бенажот аянчли садоси ва титроғига қиёс этади.

Шоир ҳаёли олисдаги ватанига учади. Унга чексиз муҳаббат билан, жуздилик алами билан мурожаат қилади: мен-ку ўз она дарахтидан узилган япроқ каби тақдир қюнида узоқ-узоқларга кетдим, аммо сен омон бўл, ғариб фарзандинг тилаги:

ҳазар қилса майли, мен хурсандман, не қилсам-да, бихамдиллаҳ, ўзимни улардан қутқардим.

Шоир ўз бошига тушган кўргилиқларни омадсизлик, бебахтликдан кўради. Ахир мунажжимлар ривоят қиладилар — ҳар бир тирик жоннинг осмонда бир юлдузи бўлади. Бу юлдузнинг ҳолатига кўра, одамзоднинг кунлари бахтли ё бахтсиз кечади. Шоҳларнинг-да нусрати ва ё мағлу-бияти шу юлдузларнинг маъкеига боғлиқ дейдилар. Не кўргуликким: шоирнинг умр бўйи бирор қуни бахтли кечмади, бирор дақиқа ҳақиқий шодлик нашьасини сурмади. У афсус билан нола қилади: “Ҳаммининг осмониди ўз юлдузи бўлганда, балки менинг юлдузим аслида йўқмикан?”

Не толедур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

“Фалак жадвалларини, осмон хариталарини неча бор арақлаб ахтариб чиқдим, менинг бахт юлдузим қўринмайди”.

Бу мисралар бетоле замондан, бешафқат одамлардан, андуҳли тақдирдан улуг шоирнинг аламли фарёдиридир. Байтнинг теран маъноси, сўнгсиз дард ифодаси бизни қанча изтиробга солса, ундаги бадийият, санъат шунча дилимизни нурга тўлдиради. **Ахтар** сўзининг бир маъноси **юлдуз**, яна бир маъноси **изла**, **қидир** демақдир. Бобур Мирзо ўзининг бетолеъ умридан

Сўзларида ҳаёт,
қарашларида ўғит бор эди

— Болалигимда нонуштада ҳам, кечки овқат чоғида ҳам бобом биринчи бўлиб таомга қўл чўзмагунча кутиб турардик. Бу биз учун оиладаги тартиб эмас, балки ҳурмат-эҳтиром белгиси эди, — дейди пойтахтимиздаги “Катта Қорасув” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси Наима Жабборова. — Таом ейиш фақат қорин тўйдириш эмас, балки одоб-ахлоқ кўзгуси эди. Бобом гап бошласа, ҳаммамиз жим тинглардик. Унинг сўзларида ҳаёт, нигоҳида ўғит бор эди. Айнан шу дастурхон атрофида каттани ҳурмат қилиш, кичикча меҳр билан қараш, таомдан олдин ва кейин дуо қилиш, шукр айтиш каби жиҳатлар онгимизга қуйилган.

Ушбу мақолани қорақалпоқ тилида ҳам ўқиш учун QR-кодни сканер қилинг!